

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

www.finance.uz

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 1 (605) 2008 йил 2 январ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек Абдусаломов бошқарган ушбу мажлис кун тартибда битта масала – 2007 йил 23 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари кўриб чиқилди.**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 14, 35-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислон Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этаётган мамлакатимиз келажаги учун тарихий аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа бўлгани таъкидланди. Сайлов жараёнида фуқароларимиз-

нинг ҳуқуқий ва сиёсий етуқлиги, уларнинг сайловда фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаши яққол намоён бўлди.

Сайлов миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги Қонунда белгиланган демократик, ошкоралик ва очиқлик тамойиллари асосида, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

## Хурматли «Банк ахборотномаси» газетаси ўқувчилари! Қадрли ҳамкасблар!

Авваламбор, барчангизни кириб келган янги - 2008 йил билан самимий табриклайман.

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир йил инсон ҳаётининг тарихига айланади. Истиқбол сари янги бир қадамни қўяётганимизда, ана шу тарихда қоладиган муваффақиятлар, муҳим воқеаларни беихтиёр эсга оламиз. Агар биз ўтган йилги фаолиятимизга назар солсак, 2007 йил биз учун самарали кечганига амин бўламиз.

Чунончи, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий тараққиётидаги 2007 йилда эришилган ютуқларни банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларсиз тасаввур этиш қийин. Изчил пул-кредит сиёсатини олиб бориш, миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Банк тизимининг асосий кўрсаткичлари – капитал, активлар, кредитлар ҳажми ошиб, у миллий иқтисодиёт равнақини таъминловчи асосий бўгинга айлангани яна бир қарра исботланди. Инфляция даражасининг мўлжалланган доирада бўлишига эришилди. Пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий ўсиш таъминланди, капитал маблағларни ўзлаштириш, инвестициялар ҳажми ортди.

Тижорат банклари тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларига бўлган талабларини зарур даражада таъминлай олдилар. Бу тадбиркорлик субъектларининг иш фаоллигини янада оширди.

Банklar фаолиятига доир ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши тизим самардорлигини ошириш, унинг олдида турган стратегик вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбариятининг тизимга бўлган эътиборини алоҳида эътироф этишимиз лозим. Ўтган йили сўмнинг барқарорлигини таъминлаш, валюта бозорини эркинлаштириш, банklar капиталини ошириш, тизимга хусусий капиталнинг кириб келиши, микромолиялаш ташкилотлари, кредит уюшмалари фаолиятини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, умуман банк тизимини ривожлантиришга қаратилган Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бу эса банк-молия муассасалари фаолиятининг фаоллигини ошириш билан бир қаторда миллий иқтисодиётимиз тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тижорат банклари кредит портфели кенгайди, уларнинг таркибиде ижобий ўзгаришлар рўй берди. Характерли томони шундаки, кредитларнинг асосий қисми ўрта ва узоқ муддатлидир. Банк кредитлари ҳисобига янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, қайта жиҳозланди, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айтиш жоизки, бугунги кунда банк кредитлари кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Ҳатто эндигина иш бошлаётган фуқароларга ҳам микрокредитлар тақдим этилмоқда. Банklar ўз мижозларининг тадбиркорлик, инновация лойиҳаларини молиялаш билан чекланмасдан, уларга ипотека, истеъмол, таълим кредитлари ажратишни ҳам кенг йўлга қўйдилар. Истеъмол кредитлари, ўз навбатида, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда банklar фаолиятига дахлдор яна бир муҳим ижтимоий фактни қайд этишимизга тўғри келмоқда: Президентимиз қарори билан минглаб ёш оилалар имтиёзли ипотека кредитлари эвазига турар-жойларини яхшилаб олди.

Яна бир муҳим факт: банklarимиз халқаро рейтинг компанияларининг турли йўналишлар бўйича рейтинг баҳоларини ола бошлади. Бу баҳолар сармоядорларда миллий банк тизимимизга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Бу ишонч халқаро бозорда юзага келган оғир шароитда ўз исботини топди.

Янги технологиялар, энг илғор стандартларни амалиётга татбиқ этиш, банк тизими инфраструктурасини кенгайтириш замонавий банк тизимини яратиш билан белгиланади. Бу борада ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш аҳолига, тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор хизматлар кўрсатишда гоят қўл келмоқда. Натижада мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам минибанklar, жамғарма кассалари, валюта айрибошлаш пунктлари ишлаб турибди.

Банklar ўртасида рақобатнинг кучайиши молия бозорини ноанъанавий банк хизматлари тури кўпайишига олиб келмоқда. Пластик карталар асосида кредитлаш, ҳисоб-китобларни олиб бориш банklar хизматида фойдаланувчилар сони мутассил ошиб боришини таъминламоқда.

Олдимизда турган катта мақсад - иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини тўлақонли ҳақда таъминлай оладиган кучли миллий банк тизимини яратиш, кучли иқтисодиёт, кучли банк тизими билан халқаро молия бозорларидан мустаҳкам ўрин олиш. Бунинг учун биз ўз режаларимизга эгамиз. Булар - банк омонатчилари ва мижозлари манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш, аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк оборотида жалб этиш орқали банklarнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларни иқтисодиёт тармоқларига самарали қайта тақсимлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, глобаллашув жараёнида банklarнинг молия бозоридеги рақобатбардошлигини ошириш, инвесторлар, кредиторлар ва омонатчиларнинг миллий банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Янги йил ўзи билан янги вазифаларни бошлаб келади. Аммо биз ҳамжихатликда ишлашда давом этсак, ўйлайманки, уларни албатта уддалаймиз. Бунинг учун бизда тажриба ҳам, салоҳият ҳам етарли. Бунинг устига ҳар йили сафимизга илми теран, мушоҳадаси кенг, бир-биридан ақлли ёшлар келиб қўшилмоқда.

Хабарингиз бор, янги йил мамлакатимиз Президенти ташаббуслари билан «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу ташаббус замирида ватанимизда ёшларни жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи, мамлакатимиз истиқболининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек олижаноб мақсад мужассам. Зеро, ёшлар камолоти, улар ораусининг ушалишига гамҳўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг янги босқичга кўтарилгани далолатидир, ўсиб келаётган авлодга илму амал ургатиш, тўғри йўл-йўриқ бериш, улар онгу шуурига бой тарихимиз, маданиятимиз ютуқлари, бебаҳо меросимиз давомчилари эканини сингдириш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, улар бошлаган ишларимизнинг давомчиларидир. Ватанимиз келажагини улар белгилайди. Ишонаманки, ҳар биримиз, ҳар бир банкимиз маънавий бой, ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаб вояга етказиш борасида ҳукуматимиз томонидан белгиланган тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Янги йил ҳар биримизнинг хонадонимизга тинчлик-тотувлик, тукин-сочинлик, файзу барака олиб келсин!  
Бизни ҳеч қачон озгу ниятлар, улуғвор мақсадлар тарк этмасин!  
Янги йил барчангизга муборак бўлсин!

Файзулла МУЛЛАЖОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси

## “O‘ZSANOATQURILISHBANK”

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ЖАМОАСИ  
ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИНИ,  
БАНК ҲАМКОРЛАРИ, АКЦИЯДОРЛАРИ ВА  
МИЖОЗЛАРИНИ КИРИБ КЕЛГАН**

## ЯНГИ ЙИЛ

**БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.**

*Янги йил Сизга бахт-иқбол, хонадонингизга  
файзу барака, юртимизга хотиржамлик  
ва фаровонлик олиб келсин.*


Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» йиллик  
30 фоиз даромад келтирувчи

### «САХОВАТ»

жамғарма омонат турини тақлиф этади.  
Маблағлар 3 ой муддатга қабул қилинади.  
Жамғармадан даромадни ҳар ой олиш мумкин.

**ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАПГАН ИШОНЧ!**

WWW.UZPSB.UZ



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**(Охири. Боши 1-бетда).**

Бу эса Ўзбекистон сайлов тизимининг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий стандартларга, демократик ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келишини яна бир қарра тасдиқлади.

Сайлов кампанияси муқобиллик ва соғлом рақобат асосида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тобора мустақам ўрин эгаллаб бораётган сиёсий партияларнинг номзодлари билан биргалликда илк бор сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам иштирок этди.

Ушбу муҳим сиёсий тадбирда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 23 минг нафардан ортиқ кузатувчининг иштирок этгани сайлов жараёнида номзодларга тенг шароит яратиш, адолатлилик, қонунийлик, ошқоралик тамойилларини қатъий амалга оширишга кўмаклашди.

Президент сайлови мониторингида 30 дан ортиқ хорижий мамлакатдан ташриф буюрган, МДХ, ЕХХТ, ШХТ,

ЕврАзЭС, ИКТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари бўлган қарийб 300 нафар халқаро кузатувчилар қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари журналистлари кенг ёритиб борди.

Сайлов Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган чуқур социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар, демократик янгиланиш, модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш борасида жамиятимизнинг барча куч ва қатламларини янада жипслаштиришнинг муҳим омилига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган протоколларга асосланган ҳолда, жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 16 миллион 297 минг 400 нафар сайловчидан 14 миллион 765 минг 444 нафари овоз беришда иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхат-

га киритилган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовга 13 миллион 8 минг 357 нафар сайловчи ёки сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Аслиддин Ашурбоевич Рустамовга 468 минг 64 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 420 минг 815 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,85 фоизи, Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Дилором Ғофуржоновна Тошмухамедовага 434 минг 111 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,94 фоизи овоз берди.

**ЎЗА материаллари асосида.**

## БАНКНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ ЎЗГАРДИ

“Ипак йўли” банки акциядорларининг ўтган йилнинг охирида бўлиб ўтган умумий йиғилиши яқунлари бўйича банкнинг ташкилий - ҳуқуқий ўзгарди – муассаса “Ипак йўли” очиқ акциядорлик инновация-тижорат банкига айланди. Банк номининг расмий ўзгариши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк Уставидаги ўзгаришларни тасдиқлаганидан кейин кучга кирди.

## Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 1 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)


1 Австралия доллари	1125,57
1 Англия фунт стерлинги	2561,28
1 Дания кронаси	250,24
1 БАА дирҳами	351,63
1 АҚШ доллари	1291,23
1 Миср фунти	234,13
1 Исландия кронаси	20,43
1 Канада доллари	1310,23
1 Хитой юани	176,19
1 Кувейт динори	4709,25
1 Россия рубли	52,27
1 Украина гривнаси	255,69
100 Ливан фунти	85,50
1 Малайзия ринггити	387,15
1 Норвегия кронаси	233,17
1 Польша злотийси	517,32
1 Сингапур доллари	889,58
1 СДР	2020,16
1 Туркия лираси	1094,73
1 Швеция кронаси	197,22
1 Швейцария франки	1120,57
1 ЕВРО	1866,21
10 Жанубий Корея вони	13,76
10 Япония иенаси	113,29

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


ИПОТЕКА BANK

# ИПОТЕКА BANK

Янги йилингиз муборак бўлсин,  
азиз юрtdошлар!



# МТСдан янги йил таклифи!




## “Янги йил рақамлари”

Дўстларингиз билан тунда  
**БЕПУЛ** мулоқот қилинг!

“Янги йил рақамларини” ўрнатиш:

**\*111\*881\**<халқаро кўринишда телефон рақами>*#** ①

Масалан, 1030909 рақамли Тошкент шаҳри абоненти учун: \*111\*881\*998971030909# ①



## “Янги йил SMS ва MMSлари”

Шанба ва якшанба  
кунлари  
**БЕПУЛ** SMS ва MMSлар!

Хизматни ёқиш: **\*111\*991#** ①

### Эслатма:

#### Янги йил рақамлари:

- хизматни улаш - \$1 (автоматик равишда биринчи рақам ўрнатилганда)
- “Уздунробита” рақамларидан 10 та янги йил рақамларига қўнғироқлар
- хар куни 00:00 дан 06:00 гача бўлган қўнғироқлар

#### Янги йил SMS ва MMSлари:

- хизматни улаш - \$1
- “Уздунробита” ХК тармоғи ичида барча SMS ва MMSлар

Акция 01.12.2007й.дан 01.07.2008й.гача амал қилади.

#### МТСабонентлари учун янгиликлар:

Энди юридик шахслар корпоратив режаларга уланиш учун МТС-Ўзбекистон тармоғида рўйхатга олинган 3 та актив рақамга (аввал 5 рақам эди) эга бўлсалар етарлидир.

## Янги 2008 йил билан!


#### Хизматлар лицензияланган.


Ўзбекистон Республикасида хизматлар “Уздунробита” компания томонидан тақдим этилади.

Тўловлар сўмда ЎзРси МБнинг курси бўйича амалга оширилади.

Нархларга барча солиқлар киритилган.

0890, (+998 97) 130 09 09  
www.mts.uz / wap.mts.uz





# МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАМОЙИЛЛАР

1-жадвал

Саноат маҳсулоти тармоқ тузилишининг динамикаси (фоиз ҳисобида)

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	9 ой 2006 й.	9 ой 2007 й.
Саноат, шу жумладан	105.9	107.6	108.3	106.2	109.4	107.3	110.8	110.2	111.9
Электрэнергетика	101.1	95.8	101.5	101.8	100.3	98.3	106.1	106.3	100.5
Ёнилги саноати	99.7	96.4	102.4	100.6	105.8	98.7	105.9	102.8	110.1
Қора металлургия	118.7	110.6	104.3	109.1	128.5	108.3	111	107.4	109.6
Кимё ва нефт кимёси саноати	115.8	106.8	113.8	105.2	104.5	109.6	119.6	119.8	118
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	89.7	124.8	108.8	130.8	134.5	129.7	125.7	124.6	128.1
Қурилиш материаллари саноати	104.3	105.9	102.2	104.3	108.2	111	112.2	111.8	114.2
Ёнгил саноат	117	112.4	109	106.2	105.2	112	120	109.6	111.2
Озиқ-овқат саноати	108.5	109.4	119.2	106.8	104.7	111.2	128	129.8	112.2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

2-жадвал

Чорвачилик маҳсулотлари асосий турларини етиштиришнинг ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида)

	1999 й.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	9 ой 2007 й.
Гўшт (тирик вазнда)	101.9	102.4	101.4	101.3	108.2	106.4	106.3	107.4	106.3
Сут	101.3	102.5	100.9	101.5	108.3	106.2	106.4	106.6	106.2
Тухум	106.4	101.1	102.7	107.7	116.2	113.9	105.7	108.2	101.0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

2007 йилнинг III чорагида Ўзбекистон иқтисодиётида ижобий макроиқтисодий таъминотлар давом этганлиги кузатилди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг реал ўсиши 2007 йил 9 ойи якунларига кўра 9,8 фоизни ташкил этди. Бунга асосий сармояга инвестицияларнинг кўпайганлиги, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари, шу жумладан кичик бизнес жўшқин ривожланганлиги, экспорт ўсганлиги, ишлаш муҳити яхшиланганлиги ва бозор инфратузилмаси янада шаклланиши ёрдам берди.

Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши харажатлар бўйича назарда тутилган тадбирларни белгиланган ҳажмда ўз вақтида молиялаш имконини берди. Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати валютанинг барқарорлигини ҳамда инфляция мақсад параметрлари доирасида жиловлаб турилишини таъминлади. Натижада 2007 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвация қилиш даражаси 2,8 фоиздан, инфляция даражаси эса 4 фоиздан ошмади.

Кўриб чиқилаётган даврда саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 11,9 фоизга ўсди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 2006 йилнинг 9 ойидаги кўрсаткичга нисбатан 3,5 фоиз кўпайди. Товар маҳсулотни экспорт қилишнинг умумий ҳажми 41,8 фоиз кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 2007 йилнинг 9 ойида деярли 10097,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

ЯИМнинг ўсишига саноатда (106,6 фоиз), коммуникация воситаларида (116,0 фоиз) ва савдода (122,2 фоиз) қўшилган қийматнинг ўсиш суръатлари ошганлиги ҳал қилувчи таъсир (5,3 фоиз) кўрсатди. Уларнинг кўриб чиқилаётган даврдаги улуши ЯИМнинг 42,4 фоизига етди (1-чизма).

**Саноат.** Ички ва ташқи та-

галлургия ҳаммаси бир бўлиб, ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 70 фоиздан кўпроқни бермоқда. Қуриб чиқилаётган даврда машинасозлик ва металлга ишлов бериш (маҳсулот ҳажми 28,1 фоизга кўпайди), ёғочни қайта ишлаш ва мебел саноати (28,6), кимё ва нефт кимёси (18,0), қурилиш материаллари саноати (14,2), озиқ-овқат саноати (12,2), ёнгил саноат (11,2) каби секторларда жўшқин ривожланганлиги кузатилди (1-жадвал).

**Қишлоқ хўжалиги.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта тузиш, уларни кредитлашнинг янги бозор механизмларини жорий этиш ва шартнома муносабатларини такомиллаштириш қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. Натижада қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши 2007 йилнинг 9 ойи ичда 3,5 фоизга кўпайди.

Дехқончилик маҳсулоти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида 54 фоизни ташкил этди. Дехқончилик маҳсулотининг ўсиши барча жиҳатлар ҳисобига юз берди. Чунончи, 2007 йил 1 октябр ҳолатига ўтган йилдаги дараждан кўпроқ миқдорда картошка (104,4 фоиз), сабзавот (111,9), полиз маҳсулотлари (112,8), мева ва резаворлар (110,3), узум (112,2) етиштирилди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш кузатилди (2-жадвал). Фермер ва дехқон хўжаликлари фаолиятининг кенгайтиши чорвачилик маҳсулоти етиштириш ҳам умуман, ҳам маҳсулот турлари бўйича кўпайишига ёрдам берди. Уларнинг гўшт етиштириш умумий ҳажмидаги улуши 97,5 фоизни, сут етиштиришдаги улуши 99,6 фоизни, тухум етиштиришдаги улуши 67,3 фоизни ташкил қилди. Чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари қора моллар сотиб олиш учун шу йилнинг январ-сентябр

лашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми деярли 3967,3 млрд. сўмни ташкил этди ёки 2006 йилнинг тегишли давридаги қараганда 31,3 фоизга ўсди.

Инвестициялаш манбалари таркибида марказлаштирилмаган инвестициялар улуши кўриб чиқилаётган даврда салкам 70 фоизни ташкил этди. Марказлаштирилмаган инвестициялар устуңлик қилишига маълум даражада корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажмининг ўсиши (28,6 фоиз), тўғридан-тўғри чет эл ва инвестицияларнинг ўсиши (2,1 баробар), тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан киритилган қўйилмаларнинг ўсиши (33,1 фоиз), аҳоли уй-жой қурилишига йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг ўсиши (11,3 фоиз) ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида 2657,7 млрд. сўм ёки умумий ҳажмининг 67 фоизи (2006 йилдаги 64,1 фоиз ўрнига) миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди. Ҳисобот даврида инвестицияларнинг энг кўп ҳажмлари транспорт ва алоқа соҳасидаги (инвестициялар умумий ҳажмининг 23,9 фоизи), ёқилги – энергетика мажмуи, кимё ва нефт кимёси саноати соҳасидаги (19,9 фоиз) лойиҳаларга йўналтирилди.

**Ташқи савдо.** Ижобий макроиқтисодий таъминотлар натижасида ташқи савдо айланмасининг ўсишига ҳам имкон туғилди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2007 йилнинг январ-сентябр ойларида 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 27,1 фоиз кўпайди. Шу билан бирга ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши 60 фоиздан ортиқроқни, импортнинг улуши эса 40 фоизга яқинни ташкил этди. Натижада ташқи савдо айланмаси балансининг мусбат салдоси 2297,6 млн. АҚШ доллари миқдоридан бўлди. (3-чизма).

2007 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича ташқи савдода МДҲ мамлакатлари орасида Россия, Қозғоғистон, Украина, Тожикистон асосий шериклар бўлишди.

Экспорт таркибида хом ашё бўлмаган товарлар улуши 2006 йилнинг 9 ойидаги 71,6 фоиз ўрнига 74,4 фоизни, ўсиш суръатлари эса 167,8 фоизни ташкил қилди. Таҳлил қилинаётган даврдаги экспортнинг маҳсулотлар таркибида озиқ-

овқат товарлари (2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар), машина ва ускуналар (1,5 фоиз) кимё ва пластмасса маҳсулотлар (1,4 баробар), энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари (2,1 баробар), қора ва рангли металллар (1,3 баробар) кўпайганлиги кузатилди.


Импорт таркибида замонавий технологиялар ҳаммадан катта салмоққа эга. Чунончи, кўриб чиқилаётган даврда машина ва ускуналарга умумий импортнинг 46,1 фоизи тўғри келди.

олинган даромадлар эғалайди (53,7 фоиз). 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан бу даромадлар 24,5 фоиз ўсди. Аҳоли даромадларининг ўсиши асосан ишловчиларнинг реал иш ҳақи оширилиши, шунингдек, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва ижтимоий трансфертларни кўпайтириш ҳисобига таъминланди.

2007 йил январ-сентябр ойларида харажатлар ва жамғармалар таркибида асосий улушни истеъмолга қилинган харажатлар ташкил этди. Улар

2-чизма


Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.


3-чизма.

Ташқи савдо тузилмаси (млн. АҚШ долларида)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

1-чизма ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

лабнинг ўсиши, тайёр ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, корхоналар маҳсулотини лицензиялаш ва сертифицикатлаш тартиб-таъминотларининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш саноат ишлаб чиқариши юқори суръатлар билан ўсишининг асосий омиллари бўлди. 2007 йил 9 ойи якунлари бўйича бу суръатлар 11,9 фоизни ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 19,8 фоизга ўсди.


Саноат ишлаб чиқариши таркибида машинасозлик ва металлга ишлов бериш, ёнгил саноат, электрэнергетика, ёнилги саноати ва рангли ме-

ойлари мобайнида 42,2 минг оилага 33,3 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибида хўжаликлар тоифалари бўйича ширкатларни фермер хўжаликка айлантириш жараёни амалда тугалланди (2-чизма). Ҳозирги кунда республикада деярли 214,4 минг фермер хўжалиги ишлаб турибди. Уларда 1611,8 мингдан ортиқ ходим банд. Фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қўшимча равишда 71 та минибанк очилди. 3156 донга қишлоқ хўжалиги техникаси лизингга берилди.

**Инвестициялар.** 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида молия-

Инновациялар бўлими томонидан тайёрланди.



# ЎзКДБ Банк

бутун Ўзбекистон халқини  
кириб келган 2008 йил билан

самимий муборакбод этади.

Банк барчага сўхат-саломатлик, фаровонлик  
ҳамда улкан муваффақиятлар тилайди.

*Ушбу дунё ва унинг халқи доимо гуллар-яшнаб,  
равнак топаверсин!*

## ХОРИЖИЙ САРМОЯ ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИХАЛАР

**Араб молия институтлари 2008-2012 йилларда Ўзбекистон ҳукуматига 17 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш учун 797,9 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағлари беришни режалаштирмоқда, деб хабар қилишди Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги матбуот хизматидан.**

Ўзбекистон Президентининг Фармойиши билан Араб мувофиқлаштирув гуруҳи (АМГ) аъзоларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган жами 1 млрд. АҚШ доллари миқдориданги 17 та инвестициявий лойиҳа рўйхати тасдиқланди. Шу жумладан 499,6 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредитлар жалб этиб, 12 та аниқ инвестициявий таклифни амалга ошириш ҳамда бешта лойиҳани амалга оширишга 298,3 млн. АҚШ доллари жалб этиш масаласини ишлаб чиқиш мўлжалланган.

Араб мувофиқлаштирув гуруҳи таркибига Ислон тараққиёт банки (ИТБ) ҳамда араб молия жамғармалари - Саудия тараққиёт жамғармаси, Абу-Даби тараққиёт жамғармаси, ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодиётини ривожлантириш жамғармаси кирди.

Кредит маблағларининг 340 млн. АҚШ доллари миқдориданги энг катта қисмини ирригация ва мелиорация соҳасидаги

бешта лойиҳани амалга оширишга сарфлаш режалаштирилмоқда.

Хусусан, беш йил ичида Хоразм вилоятидаги коллекторларни ишга туширишга 150 млн. АҚШ доллари, шунингдек Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ирригация тармоғи ва дренаж тизимини тиклашга 79 млн. АҚШ доллари жалб этиш мўлжалланган.

Курилиш материаллари ишлаб чиқариш секторига АМГ аъзолари Ўзбекистондаги энг йирик цемент ишлаб чиқарувчи "Қизилқумцемент" ОАЖга қуввати йилига 1 млн. тонна цементни ташкил этадиган тўртинчи технология линияси курилиши учун 150 млн. АҚШ доллари беришни мўлжалламоқдалар.

Ўзбекистон ҳукумати энергетика тармоғида иккита инфратузилмавий лойиҳани - мамлакат жанубида умумий узунлиги 440 км бўлган 500 кВли иккита юқори волтли линия курилишини амалга ошириш учун АМГнинг 145 млн. АҚШ доллари миқдориданги қарзларини жалб этишни

режалаштирмоқда.

Коммунал хўжалик соҳасида АМГ аъзолари учта лойиҳани амалга ошириш учун 88,3 млн. АҚШ доллари, шу жумладан Қашқадарё вилоятининг бориш қийин бўлган туманлари аҳолисини сув билан таъминлашга 31 млн. АҚШ доллари, Андижонда сув таъминоти тизимини қайта қуриш учун 32,3 млн. АҚШ доллари ва Урганч канализациясини реконструкция қилиш учун 25 млн. АҚШ доллари беришни мўлжалламоқдалар.

Рўйхатга таълим (37,4 млн. АҚШ доллари), соғлиқни сақлаш (59 млн. АҚШ доллари), кимё тармоғи (16,2 млн. АҚШ доллари) ва транспорт инфратузилмаси (5,4 млн. АҚШ доллари) соҳаларидаги лойиҳалар ҳам киритилган.

Расмий статистика маълумотларига мувофиқ, ҳозирга қадар араб молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни молиялаш ҳажми тахминан 200 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хусусан, ИТБ Ўзбекистонга ижтимоий соҳа, энергетика, инфратузилма ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги тўққизта лойиҳани амалга ошириш учун 114,6 млн. АҚШ доллари берди. Кувайт араб иқтисодиётини ривожлантириш жамғармаси темир йўл инфратузилмасини қайта қуриш, ирригация ва соғлиқни сақлаш соҳаларида учта лойиҳани амалга ошириш учун 61,4 млн. АҚШ доллари, шунингдек ОПЕК Жамғармаси темир йўл транспорти соҳасида иккита лойиҳани амалга ошириш учун 10 млн. АҚШ доллари берди.

## ЦЕМЕНТ ЗАВОДЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

**Nabolena Ltd (Кипр) ва Kaden Invest (Британиянинг Виржиния оролларида рўйхатга олинган) компаниялари 2007-2009 йилларда Ўзбекистондаги иккита цемент заводини модернизациялашга 70 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритади, деб хабар қилишди ушбу цемент заводларини ўз таркибига олган «Ўзқурилишматериаллари» ассоциациясидан.**

Хусусан, «Бекободцемент» ОАЖнинг 54,7 фоизига эгалик қилаётган Kaden Invest 2007-2009 йилларда ишлаб турган корхонани модернизация қилиб, қуруқ усулда цемент ишлаб чиқариладиган янги линияни қуриш учун 47 млн. АҚШ долларини киритади.

Модернизациялаш жараёнида заводдаги қувватларни 850 минг тонна цемент клинкери ишлаб чиқариш даражасига етказиш режалаштирилмоқда.

«Кувасойцемент» ОАЖнинг 59,5 фоизига эгалик қилаётган Кипрнинг Nabolena Ltd компанияси «Бекободцемент» ОАЖда ишлаб чиқарилган клинкерни қайта ишлаш учун янги цемент майдалаш станцияси курилишига 2007-2008 йилларда 23 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритади.

Модернизациялашни амалга ошириш завод қувватини йилига 1 млн. тоннагача кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистонда курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта

қурилантириш юзасидан 2007-2011 йилларга мўлжалланган, умумий баҳоси 343 млн. АҚШ долларига тенг бўлган дастур қабул қилинган.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг энг кўп ҳажмини - 302,4 млн. АҚШ долларини цемент ишлаб чиқаришни модернизациялаш лойиҳаларини амалга оширишга сарфлаш режалаштирилмоқда. Инвестицияларнинг 145,6 млн. АҚШ доллари - тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва қарз маблағларидир.

Мазкур лойиҳалар доирасида цемент заводларида карьер ускуналарини янгилаш, хом ашё ва цемент тегирмонларини модернизациялаш, қуруқ усулда цемент ишлаб чиқарилган янги линиялар қуриш, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Инвестиция дастурини амалга ошириш натижасида 2007 йилда цемент ишлаб чиқариш 2006 йилдагига қараганда 1,5 баравар ўсиб, 8,326 млн. тоннага етиши тахмин қилинмоқда.



# “УНИВЕРСАЛ БАНК”

## ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Юртимиз аҳолиси, меҳмонлари ҳамда банк  
мижозларини кириб келган

# Янги 2008 йил билан

муборакбод этиб, юртимизга тинчлик,  
сиз азизларга эса соғлиқ-омонлик, қалбингизга  
хотиржамлик, ишларингизга ривож, хонадонингизга  
файзу барака тилайди.



Яна бир бор янги йилингиз кутлуғ бўлсин!

## МИЖОЗЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

**“Универсал банк” хусусий очик акциядорлик-тижорат банки аҳолига кенг қулайликлар яратиш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш орқали турмуш даражасини оширишга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда.**

Бунга банк томонидан 2007 йилнинг 11 ойи давомида ми- жозларга 9 млрд. 993,8 млн. сўмлик кредитлар ажратилган, бу эса, ўтган йилнинг шу даврига қараганда қарийб икки баробарга кўп (2006 йилда ушбу кўрсаткич 5 млрд. 040,4 млн. сўмни ташкил қилганди) эканлиги ҳам яққол исбот бўла олади.

Жумладан, саноат тармоғи- га 398,6 млн. сўм, қишлоқ хўжали- гига 74,1 млн. сўм, транспорт соҳасига 530,7 млн. сўм, қури- лиш корхоналарига 4 млрд. 627 млн. сўм, савдо корхоналарига 1 млрд. 699,1 млн. сўм ҳамда бошқа тармоқларга 2 млрд. 664,3 млн. сўмлик кредит маб- лағи йўналтирилди. Кредитлар- нинг энг катта қисми қурилиш- га, жумладан мактаб, лицей ва коллежлар қурилишига ажра- тилгани алоҳида аҳамиятлидир.

Кичик бизнес субъектлари- ни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилнинг 11 ойи давомида банк томонидан 7 млрд. 430,6 млн. сўм сарф- ланган бўлса (2006 йил даво- мида – 2 млрд. 884,4 млн. сўм), шундан 6 млрд. 565,2 млн. сўми қисқа муддатли, 865,4 млн. сўми узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес корхоналари- га ажратилган кредитлар соҳа- лар бўйича тақсимлаб чиқил-

ганда, қишлоқ хўжалиги, шу жум- ладан деҳқон ва фермер хўжа- ликларига 28 млн. сўм, савдо корхоналарига 1 млрд. 999,6 млн. сўм, қурилиш корхоналари- га 4 млрд. 11,1 млн. сўм ва бо- шқа кичик бизнес субъектлари- га 816,9 млн. сўм кредит ажра- тилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шунингдек, банк ўз фаолият стратегиясида аҳолининг истеъ- мол товарларига бўлган талаби- ни тўлароқ қондиришни мақсад қилиб, бу йилда 648 нафар ми- жозга 499,6 млн. сўмлик истеъ- мол кредитлари ажратди. Улар ораси- да олий ўқув юрталарига шартно- ма асосида ўқишга кирган саккиз нафар талабага берилган 3,4 млн. сўм миқдоридаги таълим кредит- лари ҳам мавжуд.

“Универсал банк” мамлақати- миз раҳбариятининг қатор фар- мон ва қарорлари ижросини таъ- минлаш мақсадида банкнинг ўз ресурс базасини янада кенгай- тириш ва шу орқали ўз маблаг- лари ҳисобидан аҳолини молия- вий қўллаб-қувватлашга эришиб келаётгани ҳам эътиборга мо- лик. Ўтган йилнинг 11 ойида чорва моллари харид қилиб олиш учун 30 та оилага жами 29,8 млн. сўм миқдорида кредит- лар ажратилди. Ми- жозларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу кредитларнинг барчасини нақд пулда беришга эришилди.

“Универсал банк” аҳоли қўли-

даги бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали уларнинг манфаатдорлигини янада оши- риш йўлида сезиларли ишлар- ни амалга оширмоқда. Бу эса бугун мазкур банкдаги мавжуд 13 омонат турига аҳоли томо- нидан катта қизиқиш билдири- лишига хизмат қилмоқда.

2008 йилнинг мамлақатимиз Президенти ташаббуси ила “Ешлар йили” деб эълон қилин- ганлиги муносабати билан банк юртимизнинг ишончи бўлган ёшларни моддий қўллаб-қувват- лашни мақсад қилиб, янги “Ешлик” муддатли омонат тури- ни ҳаётга жорий этди. 25 декабр кунидан маблағ қабул қилина бошлаган мазкур омонатнинг йиллик устамаси 26 фоиздир.

Шунингдек, аҳоли омонатла- рини узоқ муддатга жалб қилиш- ни кўзлаб, 2 йиллик муддатга мўлжалланган янги “Сармоя” омонати декабр ойи бошидан амалиётга татбиқ қилина бош- лади. Бу омонатга йиллик 26 фоиз миқдорида даромад тўлаб борилади.

Банк аҳоли бўш пул маблағ- ларини жалб қилиш соҳасидаги ишларни тўғри ташкил этганли- ги натижасида омонат қолдиқла- ри ҳажми йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, ўтган йил- нинг 1 январ ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 833,5 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилнинг 1 январ кунига ке- либ, бу кўрсаткич салкам 40 фо- изга ўсди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Универсалбанк” ХОАТБ ўз фа- олият кўламини янада кенгай- тириш, мамлақатимиз иқтисо- диётининг турли тармоқларини фаол кредитлаш ва аҳоли фа- ровонлигини юксалтиришга ўз фаолиятининг устувор вазифа- си сифатида қараб келмоқда.

Бобур САТТОРОВ.

## ИМТИЁЗЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАСИН

**Бугунги кунда мамлақатимиз барча соҳаларда изчил ри- вожланиш ва тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу борада қатор қарорлар қабул қилиниб, янгиликлар жорий этилаёпти, до- имий равишда тажриба ва изланишлар олиб боришмоқда. Хусусан, мамлакат миқёсида хизматлар кўрсатиш ва сер- вис соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яра- тиш, мазкур соҳа вакилларининг иқтисодийётдаги улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрелдаги 325- сонли Қарори бу борада туб ўзгаришлар учун дас- туриламал бўлди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхо- наларнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлаш ва шу йўл билан фаолиятнинг янги турларини вужудга келтириш орқали халқ ман- фаатларини ҳимоя қилиш қарорда кўзланган асосий мақсаддир. Қарорга кўра, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхоналар 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил давомида даромад (фойда) солиғидан ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинадилар.

Халқнинг турмуш фаровонлиги яхшиланиб боргани сари маиший ва сервис хизматларига бўлган талаби ортиб боради. Одамларнинг диди, маданияти юксалиб боради. Бу эса ўз навбатида жойларда маиший ва сервис хизмати билан шуғулланаётган шохобчаларнинг жаҳон андозаларига мос равишда бўлишини талаб қилади.

Тошкент вилоятида бугунги кунда молия ва банк хизматлари- ни кўрсатиш бўйича 58 та, маиший хизмат бўйича 38 та ва бошқа хизматлар бўйича 45 та юридик шахс руйхатдан ўтган бўлса, жами 141 корхона мазкур қарорда қайд этилган солиқ имтиёзла- ридан фойдаланмоқдалар. Жорий йилнинг 9 ойи давомида улар томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғидан 1 157 659,9 минг сўм, ягона солиқ тўлови бўйича 125 143,7 минг сўм маблағ имтиёздан унумли фойдаланган ҳолда кор- хоналарнинг ўзларида, эҳтиёжлари учун қолдирилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш бугунги кун- нинг долзарб вазифаларидир. Манфаатдорлик бор жойда сон ва сифат ўсиши аниқ.

Буюртмачи ҳам, хизмат кўрсатувчи ҳам манфаатдор бўлган жойда янги шохобчалар очилиши, янги ишчи ўринлари юзага келиши тайин.

Музаффар Юсуф НАЗАРОВ,  
Тошкент вилояти Давлат солиқ  
бошқармасининг Ахборот хизмати бошлиғи.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси** «фаолият соҳаси» деган сўзлардан кейин «(асосий йўналишлари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **16-модданинг** матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш ушбу қонунда ҳамда жамият уставада белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади»;

3) қуйидаги мазмундаги **24<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

### **24<sup>1</sup>-модда. Олтин акция**

«Олтин акция» — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

«Олтин акция» қийматга эга эмас, бошқа шахсга берилмайди ҳамда гаровга қўйилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

«Олтин акция» устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш йигирма беш фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларида жорий этилиши мумкин. Давлатнинг «олтин акция»дан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

«Олтин акция» акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини (бундан буён матнда давлат вакили деб юритилади) тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида ушбу қонуннинг 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи-тўртинчи, еттинчи, саккизинчи, ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи хатбошиларида, шунингдек 82-моддаси биринчи қисмининг еттинчи, йигирма иккинчи - йигирма тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича вето қўйиш ҳуқуқи билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу

қарорлар қабул қилинган куни ёзма шаклда амалга оширилади»;

4) **47-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлар реестри рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати ва тоифалари кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатга кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари, уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғрилигини аниқлаш имконини берадиган рўйхатидир. Ўзига нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилади. Эмитентлар акциядорлар реестрини давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган белгилаган шаклда юритиши шарт. Акцияларни жойлаштирган жамият ёки ихтисослашган рўйхатчи жамият акциядорлари реестрининг сақловчиси бўлиши мумкин. Оддий (одатдаги) акция эгалари бўлмиш акциядорлари беш юз ва ундан ортиқ бўлган жамият реестр юритиш ҳамда сақлашни ихтисослашган рўйхатчига шартнома асосида топшириши шарт»;

5) **48-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакилига акциядорлар реестридан кўчирма бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

### 6) **49-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакилини жамият акциядорлари реестрига киритиш ҳақидаги ёзув давлат вакилини тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарор илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан реестр сақловчини хабардор қилиш асосида амалга оширилади»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

### 7) **66-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун 21-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, агар мазкур қарорни қабул қилиш ваколати жамият кузатув кенгашига берилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади»;

**тўртинчи — ўнинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин;

«Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди»;

ўн биринчи қисми ўн иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

8) **67-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакили акциядорлар умумий йиғилишининг сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинган қарорига вето қўйишга ҳақли»;

9) **69-модданинг:**

**биринчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари** «акциядорларга» деган сўздан кейин «ва давлат вакилига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** «акциядорларни» деган сўздан кейин «ва давлат вакилини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **74-модданинг:**

**номи** «акциядорларнинг» деган сўздан кейин «ва давлат вакилининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи унинг шахсан ўзи томонидан амалга оширилади»;

11) **82-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **йигирма тўртинчи**

**хатбоши** билан тўлдирилсин:

«акциядорлик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш»;

**йигирма тўртинчи хатбошиси йигирма бешинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

12) **83-модда:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**83-модда. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш**»;

**учинчи қисми** «сайланишлари» деган сўздан кей-

ин «тайинланишлари» деган сўз билан тўлдирилсин; қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат вакили лавозимига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди)»;

13) **85-модда:**

қуйидаги мазмундаги

**тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун 21-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият кузатув кенгаши томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди»;

**тўртинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **90-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 7  
2007 йил 21 декабр  
№ ЎРҚ - 135

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
томонидан 2007 йил  
21 ноябрда 1740-сон билан  
давлат рўйхатидан  
ўтказилди (2007 йил  
1 декабрдан кучга киради)**

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазирлиги,  
Давлат божхона қўмитаси,  
Давлат солиқ қўмитасининг  
2007 йил 5 октябрдаги  
ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28.  
2007-55-сон қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

## **Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низом**

9. Контрактда томонлар контрактни имзолагандан ва расмийлаштиригандан кейин юридик кучга эга бўлган ва баҳслар юзага келганда томонлар унга ҳавола этиши мумкин бўлган нусха сифатида ахборот тизими маълумотлар базасига ёки бошқа ишончли томонга (Интернет тармоғи орқали киришни таъминлаш орқали) сақлаш учун юбориши назарда тутилиши мумкин.

Бунда контракт шартларига қўшимча равишда қуйидагилар киритилиши лозим:

а) томонлардан бирининг сақлаш шартномасини тузиш мажбурияти ва уни тузиш тартиби;

б) сақлаш ва сақлаш учун берилган ҳужжатга томонларнинг кира олиши шартлари;

в) ҳужжатнинг жойлашган жойига ҳавола.

**II. Контрактдаги томонлар тўғрисида маълумот**

10. Ўз номидан муайян шахслар доирасига оферта юбориш ёки оферта таклиф қилишда сотувчилар, ўтказиб берувчилар, ижро этувчилар ва электрон тижоратнинг бошқа томонлари ўзи ҳақида ахборот тақдим этиш-

га мажбурдирлар.


11. Электрон тижоратда иштирок этувчи томон тўғрисидаги ахборот қуйидаги мажбурий маълумотларни ўз ичига олади:

а) юридик якка тартибдаги ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи;

б) юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтининг номи;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда –лицензия мавжудлиги тўғрисида маълумот (лицензияловчи органнинг номи, унинг муддати, лицензия рақами);

г) таклиф қилинадиган ёки буюртма бериладиган маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;





д) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва савдо қоидаларида назарда тутилган ҳолатларда – маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг сертификатланганлиги тўғрисида гувоҳномалар;

е) ҳисоб-китоб тартиби;

ж) банк реквизитлари;

з) электрон тижоратни расмийлаштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар;

и) ЭРИ сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган марказнинг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вақти;

й) ушбу очиқ калитли электрон рақамли имзо фойдаланиладиган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

к) ЭРИ сертификатини берувчи гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш Марказининг номи ва жойлашган жойи;

л) электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.

12. Сотиб олувчи ёки буюртмачи тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи;

б) юридик шахс ёки хусусий тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтининг номи;

в) истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисида ахборот;

г) электрон тижоратни амалга оширишда зарур бўлган бошқа маълумотлар;

д) ЭРИ сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган марказнинг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вақти;

е) ушбу очиқ калитли электрон рақамли имзо фойдаланиладиган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

ж) ЭРИ сертификатини берувчи гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш Марказининг номи ва жойлашган жойи;

з) электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.

13. Электрон тижоратда истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот, фақат уларсиз сотувчи амалга ошириладиган электрон тижорат бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) фамилияси, исми, шарифи;

б) телефон рақами;

в) электрон манзили (e-mail);

г) манзили (етказиб бериш, яшаш);

д) банк ҳисоб рақами, банк картаси ёки бошқа тўлов воситаларининг реквизитлари;

е) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

ж) электрон тижорат бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

14. Банкдан ташқари тизимда чакана тўловларни амалга оширишда мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар талаб қилинади:

а) кўрсатиладиган молиявий хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;

б) фойдаланувчиларни рўйхатга олиш тартиби;

в) ҳисоб-китоб тартиби;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда тўлов ўтказиладиган ташкилот ва/ёки тўлов тизими аъзоларининг лицензияси мавжудлиги тўғрисида маълумот (лицензия рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи).

15. Электрон тижорат ташкилотчиси тўғрисида ах-

борот ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотларга қўшимча равишда электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари ўз ичига олиши керак.

16. Ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган, электрон процедураларни таъминлаш бўйича битим томонларига хизмат кўрсатувчи давлат ва бошқа нодавлат муассаса ва ташкилотлари тўғрисидаги ахборот ўз ичига хизматлардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда – лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни (лицензия рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи) олиши керак.

### III. Электрон тижорат доирасида амалга ошириладиган электрон операциялар ва тадбирлар

17. Электрон тижорат томонлари агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, ўзаро келишган ҳолда қуйидагиларни белгилайди:

а) ҳар қандай алоқа воситалари орқали электрон ҳужжатларни алмашиш тартибини;

б) контрактни тузиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тартиби;

в) электрон имзони ўрнатиш усули ва фойдаланиш тартиби;

г) офертани жойлаштириш, жўнатиш ва қабул қилиш тартиби;

д) акцептни жўнатиш ва чақириб олиш тартиби;

е) ахборотнинг аниқлигини текшириш тартиби;

ж) томонларнинг ахборот тизимини таъминлаш дастурларидан фойдаланиш тартиби.

18. Электрон тижоратни расмийлаштириш бўйича томонларнинг электрон процедуралари контрактни тўлалигича ёки унинг алоҳида шартларини, тузишнинг ва электрон тижоратни амалга оширишнинг (ёзишув) алоҳида элементларини келишиш бўйича электрон ҳужжатлар алмашинувини ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, қонунда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёки томонларнинг келишувига мувофиқ, аниқ турдаги ҳужжатларнинг мазмунини расмийлаштириш бўйича белгиланган талаб ва қоидаларга риоя этилиши лозим.

19. Электрон тижоратда электрон ҳужжатларни (маълумотларни) алмашиш бўйича томонларнинг электрон процедуралари сотувчи томонидан оферта тартибида тақдим этиладиган ва агарда акцепт шакли ва уни юбориш процедуралари белгиланган бўлса, олувчи (буюртмачи) томонидан ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимча шартларсиз қабул қилинадиган контрактни расмийлаштиришни ўз ичига олиши мумкин. Бунда шартнома турлари бўйича фуқаролик қонунчилигининг барча талабларига риоя этилиши лозим.

### IV. Тўлов тизими субъектлари

20. Электрон битим томонлари электрон тижорат ва тўлов тизими субъектлари ўртасида тузилган келишув белгиланган уларнинг мажбуриятлари доирасида тўлов тизими субъектлари билан ҳисоб-китобни амалга оширишлари мумкин.

21. Тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ва банк операцияларини амалга ошириш ҳамда умумий ташкиллаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка зид келмаслиги лозим.

### V. Якуний қоидалар

22. Ушбу Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бош директори**

**А. Арипов**

2007 йил 4 октябр

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси**

**Ф. Муллажонов**

2007 йил 4 октябр

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ Б У Й Р У Ф И

### **«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Фазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2007 йил 5 декабрда 1570-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди  
(2007 йил 15 декабрдан кучга киради)**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети Фазна ижроси тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3618-сонли Фармонининг 1-илова, IV бўлим, 6-банди ижросини амалга ошириш мақсадида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 166-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг Фазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) асосан буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Фазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 7 апрелдаги 37-сон буйруғининг (2006 йил 3 май, рўйхат рақами 1570 - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 159-модда) 3-бандида «2008» рақамлари «2010» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазирини**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 ноябр,  
102-сон.

**Р. АЗИМОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ Б У Й Р У Ф И

### **Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2007 йил 24 ноябрда 1741-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди  
(2007 йил 4 декабрдан кучга киради)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомнинг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, суд ижрочилари ижросига келиб тушган ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғими 2007 йилнинг 1 декабрдан бошлаб ундирилади.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» - «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

5. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти 10 кун муддат ичида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари З. Худойкулов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазирининг биринчи  
ўринбосари**

Тошкент ш.,  
2007 йил 24 ноябр,  
226-мҳ-сон

**А. АХМЕДОВ.**

## Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарорига мувофиқ, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни чиқариш, ижро этиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек уларнинг ундирилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздор томонидан ундирувчига, давлат фойдасига ёхуд бошқа шахсга муайян пул маблағларини тўлашни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

Мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

2. Ижро йиғими суд ижрочиси томонидан суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда амалга ошириладиган ундирувни назарда тутлади.

3. Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати ўтгандан сўнг, куйидаги миқдорларда ундирилади:

мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида.

4. Ижро йиғимини ундириш учун суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарор асос бўлади ва у Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг (кейинги ўринларда матнда қонун деб юритилади) 7-моддасига мувофиқ ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ижро йиғимини ундириш Қонуннинг 82-моддасига мувофиқ қарздорга солинадиган жаримани тўлашдан озод этмайди.

5. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни мажбурий равишда ижро этиш умумий белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

### II. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни чиқариш ва ижро этиш тартиби

6. Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришда қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун 5 кундан ортиқ бўлмаган муддат белгилаб, агар ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатидаги талаблар бажарилмаган тақдирда, қарздордан ундирилаётган сумманинг ёки мол-мулк қийматининг 1 фоизи (жисмоний шахсдан) ёхуд 2 фоизи (юридик шахсдан) миқдорида, агар мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари ижро этилмаган

тақдирда эса, жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ижро йиғими ундирилиши тўғрисида қарздорга мажбурий равишда тушунтириши шарт.

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгиланганда, ушбу муддатнинг ўтиши ижро иши юритуви қўзғатилган кундан кейинги кундан бошланишини назарда тутиш лозим.

Суд ижрочиси ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгилашда ижро ҳужжати талаблари моҳиятини ҳисобга олиши ва қонунда назарда тутилган доирада етарли муддат белгилаши лозим.

7. Суд ижрочиси томонидан ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатида белгиланган талаблар қарздор томонидан бажарилмаслиги, қарздорга нисбатан мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Айни пайтда суд ижрочиси қарздордан ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Мазкур Йўриқноманинг 13-банди олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқарилмайди.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор, қарздорнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган молия органининг тегишлича расмийлаштирилган ва қарздорни бюджет ташкилоти деб топилшини тасдиқловчи хати қарздор - юридик шахс томонидан қарор чиқарилгунигача қадар суд ижрочисига тақдим этилган тақдирда ҳам чиқарилмайди.

8. Ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугагандан кейинги кундан кечиктирмасдан суд ижрочиси томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда чиқарилади.

9. Суд ижрочисининг ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланиши лозим. Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг суд ижрочиси мақомига эга инспекторлари томонидан чиқарилган қарорлар, тегишлича Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ёки ҳудудий бошқармаларнинг Суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

10. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси уни чиқарган куннинг эртасидан кечиктирмасдан қарздорга шахсан тақдим этилади ёки топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан почта алоқаси орқали юборилади.

11. Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви алоҳида ижро иш юритуви қўзғатилмасдан амалга оширилади.

Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ижро йиғими қўллашга асос бўлган ижро ҳужжати (кейинги ўринларда матнда асосий ижро ҳужжати деб юритилади) билан биргаликда юритилади. Бунда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорга асосий ижро ҳужжатининг рўйхат рақами берилади.

12. Ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро этиш чораларини амалга оширишда ундирув мол-мулк ва пул

маблағларига асосий ижро ҳужжати бўйича қарзни, ижро йиғими ва ижро харажатларини қоплаш учун етарли бўлган миқдор ва ҳажмда қаратилади.

Ижро йиғими қонуннинг 52 ва 69-моддаларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган пул суммалари ва мол-мулкдан ундирилмайди.

13. Ижро йиғими:

мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича - қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда;

мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича - мажбурий ижро этиш бўйича чоралар қўллашга киришилиши билан ундирилади.

Ижро йиғими қуйидаги ундирувларни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ундирилмайди:

бюджет ташкилотларидан, шу жумладан давлатдан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ундириш. Бунда, ташкилотнинг бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи ҳужжат қарздор томонидан суд ижросига тақдим қилинадиган мазкур ташкилотнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган тегишли молия органнинг хати ҳисобланади.

Даврий тўловларни (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва бошқа ишлар бўйича) ундириш.

14. Солидар тартибда бир неча қарздордан ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳар бир қарздорга нисбатан чиқарилади. Ушбу ҳолатларда қарорларни расмийлаштириш, ижро йиғимини ундириш ва ундирилган суммалар ҳисобини юритиш солидар қарздорлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тартибда амалга оширилади, Бунда, барча қарздорлардан ундирилган ижро йиғимининг умумий суммаси асосий ижро ҳужжати бўйича жами ундирув суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган йиғим суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

15. Бир қарздорга нисбатан бир неча ижро ҳужжатини ижро этишда, ижро йиғими ҳар бир ижро ҳужжати бўйича алоҳида ундирилади.

Бир нечта талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари қонуннинг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлантириладиган талабларга тенглаштирилади. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

Мазкур қоида қўллаш мисоллари ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган\*.

16. Ижро иши юритуви қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ундирувчига берилиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими берилган мол-мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли миқдорларда ундирилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг ижроси умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижро иши юритуви қарздорни сотилмаган мол-мулкни қабул қилишни ундирувчи рад этиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими суд ижроси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг сотилмаган мол-мулкка тўғри келадиган қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижросининг

тегишли қарори билан тугатилади.

17. Асосий ижро ҳужжати қонуннинг 62-моддасига мувофиқ тугатиш комиссияси (тугатувчи)га юборилган тақдирда, ижро йиғими суд ижроси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади. Ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижросининг тегишли қарори билан тамомланади.

18. Қарздор ижро иши юритувидан тараф сифатида чиқиб кетган тақдирда (қарздор шахснинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзни бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар) суд ижроси қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, ўзининг қарори билан қарздорни унинг ҳуқуқий вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шарт. Мазкур қарорда йиғимни тўлаш мажбурияти ушбу ҳуқуқий ворисга ўтиши ҳақида ҳам кўрсатилади.

19. Асосий ижро ҳужжати Суд департаментининг бошқа бўлинмасига юборилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳам қонуннинг 25-моддасида белгиланган тартибда юборилиши лозим.

20. Асосий ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритуви қонуннинг 37-моддаси 1 - 5 ва 7-бандларига асосан тугатилган тақдирда, ижро йиғими суд ижроси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижросининг тегишли қарори билан тамомланади.

21. Асосий ижро ҳужжати қонуннинг 40-моддаси 1, 3 - 6-бандларига асосан ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро йиғими суд ижроси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижросининг тегишли қарори билан тамомланади.

22. Ундирув қарздорнинг иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган тўловларига қаратилган тақдирда, суд ижроси қонуннинг 64-моддасида белгиланган тартибда асосий ижро ҳужжати билан бирга ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни ҳам тегишли ташкилотга юборади.

23. Асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ҳам асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тиклангунга қадар тўхтатиб турилади. Ушбу ҳолатда ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритувини тўхтатиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилиш талаб қилинмайди.

Суд ижроси томонидан асосий ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, мазкур қарорда ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатларини ҳам кейинга қолдириш ҳақида кўрсатиб ўтилади.

### III. Ижро йиғимини қайтариш тартиби

24. Ижро йиғимини қайтариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижросининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорининг нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлиги;

суд қарорига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

\*-2-3-иловалар чоп этилмайди.



Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

25. Ундирилган ижро йиғими миқдорини қайтариш учун ижро йиғимини тўлаган шахс мажбурий ижро ҳаракати ким томонидан амалга оширилганидан келиб чиқиб, Суд департаментининг марказий аппаратиға ёки тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан муурожаат қилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатлари турли ҳудудларда амалга оширилган бўлса, ариза аризагининг хоҳишиға кўра ижро йиғимини ундирган Суд департаментининг исталган бўлимиға тақдим этилиши мумкин.

Аризаға қуйидагилар илова қилинади:

суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси - ижро йиғими мазкур Йўриқнома 24-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро йиғими миқдори нотўғри ёки ортикча ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоб-китоб ҳужжати ёки бошқа ҳужжат - ижро йиғими мазкур Йўриқнома 24-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган асос бўйича қайтарилганда;

суднинг қонуний кучға кирган қарорининг тасдиқланган нусхаси - ижро йиғими мазкур Йўриқноманин 24-банди бешинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда.

26. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги ариза Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппарати томонидан кўриб чиқилади ва ариза берилган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Ижро йиғимини қайтариш Ижро этувчи дирекция томонидан қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида амалға оширилади.

27. Ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад

этиш тўғрисида қарор устидан белгиланган тартибда судға муурожаат қилиш мумкин.

#### **IV. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳисобини юритиш**

28. Суд департаментида, ҳудудий бошқармаларда ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларида мазкур Йўриқноманин 3-иловасига мувофиқ шаклда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобға олиш китоби юритилади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобға олиш китоби рақамланиб, тикилади ва тегишлича Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг асосий муҳри билан тасдиқланади.

29. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор чиқарилган кунда рўйхатға олинади ва тегишли асосий ижро ҳужжатининг мажбурий ижросини амалға ошираётган суд ижрочисига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

30. Ижро йиғими суммалари тегишли банк муассасида очилган махсус транзит ҳисоб рақамиға ўтказилади.

Суд департаменти, ҳудудий бошқармалар ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда тегишли банк муассасалари билан ижро йиғими суммаларининг тушумини белгиланган шаклда солиштириб борадилар.

31. Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ҳар чоракда камида бир марта суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан мазкур Йўриқнома талабларига риоя қилинишини, шу жумладан ижро йиғими суммаларининг тўғри ва ўз вақтида ундирилиши ва ўтказилишини текшириб борадилар.

#### **V. Яқуний қоидалар**

32. Мазкур Йўриқноманин бажарилишини назорат қилиш Суд департаменти томонидан амалға оширилади.

Ижро йиғимининг ҳисобини юритиш ва ундиришнинг белгиланган тартиби устидан доимий назоратни амалға ошириш Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси бошлиғига юклатилади.

33. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилиши қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ Б У Й Р У Ф И**

### **Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан давлат  
руйхатидан ўтказилди  
(2007 йил 15 декабрдан кучға киради)**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларн тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-

жатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) асосан буюраман:

1. Илова қилинган Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидалари тасдиқлансин.

2. ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги 59-сон «Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ҳақида Вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 24 июл, рўйхат рақами 1600 -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-

сон, 297-модда) буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 18 октябрдаги 89-сон «Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварақини очиш ва ёпиш бўйича Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги (2006 йил 25 октябр, рўйхат рақами 1600-1 - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-

44-сон, 431-модда) буйруғи.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,

2007 йил 17 октябр,

93-сон

**Р. АЗИМОВ.**

**Молия вазирининг 2007 йил  
17 октябрдаги 93-сон  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН**

## **Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ихроси тўғрисида»-ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»-ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»-ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ихроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда - фазначилик бўлинмалари деб юритилади) томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва уларнинг бюджет маблағлари (Захира жамғармаси маблағларини ҳисобга олган ҳолда) ва бюджетдан ташқари маблағлари (кейинги ўринларда - бюджетдан маблағ олувчилар деб юритилади) бўйича операцияларни акс эттириш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Бюджетдан маблағ олувчиларга шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш, шунингдек улардаги операцияларни акс эттириш фазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Бунда, республика ва маҳаллий ғазна ҳисобварақларидан фойдаланиш (кейинги ўринларда - фазначилик ҳисобварақлари деб юритилади) орқали бюджетнинг ғазна ихроси билан қамраб олинган бюджетлар, харажатлар гуруҳлари, бюджетдан маблағ олувчилар, шунингдек капитал қурилиш буюртмачилари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Мазкур қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**бюджетдан маблағ олувчилар** - Давлат бюджетдан маблағ ажратилиши назарда тутилган юридик ва jisмоний шахслар, шунингдек капитал таъмирлаш буюртмачилари;

**капитал таъмирлаш буюртмачилари** - Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган

қурилиш объектларини бошқариш ва техник назорат функцияларини амалга ошириш мақсадида ваколатли орган томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилган ягона буюртмачи хизмати (кейинги ўринларда - капитал таъмирлаш буюртмачилари деб юритилади);

**Захира жамғармаси** маблағлари - бюджет тузилишида ҳисобга олинишининг имкони бўлмаган, йил мобайнида кўзда тутилмаган иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча харажатларни молиялаштириш (тўлаш)га йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари;

**бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари** - ижтимоий тўловлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ота-оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари ташкилотларда болаларни сақлаш учун, жумладан мусиқа мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, ишчилардан озик-овқат ҳисоб-китоблари учун тушумлар (мактабгача болалар ташкилотлари, интернатлар ва бошқалар), улар томонидан иш жойидан оладиган, кейинчалик жорий қонунчиликда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши билан ғазна ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлар;

**бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақлари** - тегишли бюджетдан маблағ олувчилар, жумладан капитал қурилиш буюртмачилари учун фазначилик бўлинмалари томонидан очиладиган, бюджет, шу жумладан Захира жамғармалари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, ушбу қоидаларда белгиланган тартибда, маблағлар ҳаракати билан боғлиқ таҳлилий ҳисоблар регистри.

**манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати)** — ҳар йили буюртмачилар томонидан тузиладиган ва ўрнатилган тартибда ажратилган маблағлар лимитлари доирасида тасдиқландиган, объектлар рўйхатини ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи молиявий ҳужжат;

**қурилишнинг титул рўйхати** - қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажми ва уни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжат;

капитал қурилиш **объектлари** бўйича **харажатларнинг ойлик ёйилмаси** - қурилишнинг бюджет таснифи кўрсаткичлари асосида капитал қўйилмалар лимитлари, уларни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган ва уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳамда бюджет харажатларини ойлар ёйилмасида ҳар бир объект бўйича буюртмачи томонидан тузиладиган, тасдиқланадиган ва тегишли молия органи билан ўрнатилган тартибда келишиладиган молнявий ҳужжат;

**харажатлар тўлови рухсатномаси (кейинги ўринларда - ХТР)** - ХТРда кўрсатилган давр мобайнида тегишли ғазна ҳисобварағидан бюджетдан маблағ олувчи харажатлар тўловлари учун ишлатилиши мумкин бўлган бюджет маблағларини кўрсатувчи, ғазначилик бўлинмалари томонидан тасдиқланган бюджет маблағлари асосида тузиладиган ва бюджетдан маблағ олувчиларга тақдим қилинадиган ҳужжат;

**юридик мажбурият** - юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон олдидаги тузилган шартномалар, келишувлар ва тегишли ҳокимият органларининг қарорлари бўйича юзага келган мажбуриятлари;

**молиявий мажбурият** - юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон, товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчилар олдидаги етказиб берилган товар (иш ва хизмат)лар учун ҳақ тўлашни тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан ҳисоб-тўлов ҳужжатларида ҳисобланган, ишчиларга иш ҳақи, тўлов ҳужжатлари, суд қарорлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларни мол етказиб берувчи ёки тўловни қабул қилувчига маблағларнинг ўтказилиш мажбуриятини юқловчи ҳужжатлар.

**II. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларини ғазначилик бўлинмалари томонидан юритилиши**

**§ 1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларининг тузилиши**

3. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш мақсадида ғазначилик бўлинмалари томонидан Давлат бюджетининг бюджет таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича қуйидагиларнинг ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўзини сақлаш ва марказлашган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

юридик шахс мақомига эга бўлмаган қуйи ташкилотлар учун кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмасида кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлари;

рўйхатга олинган юридик мажбуриятлари;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган молиявий мажбуриятлар суммаси;

харажатлар тўлови рухсатномалари (ХТР);

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга ошириладиган касса харажатлари.

4. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларининг тушуми ва харажати бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш мақсадида ғазначилик бўлинмалари томонидан Давлат бюджетининг бюджет таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича қуйидагиларнинг ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилади;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли смета-

ларида назарда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджетдан ташқари ажратмалари (бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми ва сарфланиши чекланмаган турлари бундан мустасно);

келиб тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар; бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари доирасида ўрнатилган тартибга мувофиқ йўналтириладиган тегишли харажат турлари бўйича рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинадиган молиявий мажбуриятлар суммаси;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари тушумлари доирасида, қонунчиликда кўзда тутилган мақсадларда амалга ошириладиган касса харажатлари.

5. Шахсий ҳисобварақлар бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд қилинади (Мазкур қоидаларга 1-сон илова\*).

Ҳар бир шахсий ҳисобвараққа тегишли уникал рақам берилади.

6. Бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағининг уникал рақами йигирма икки разряддан иборат бўлиб:

Разряд рақамлари

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19	20	21	22		

шулардан:

1 - 6 гача разрядлар - тасдиқланган маблағларнинг манбалари ва бюджет даражаси Таснифига мувофиқ маблағларнинг манбалар коди ва бюджет даражаси;

7 - 11 гача разрядлар - тасдиқланган ҳудудлар Таснифига мувофиқ, ҳудудий тегишлилик коди;

12 - 19 гача разрядлар - бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бюджет таснифининг тегишли кўрсаткичлари кодлари, бунда:

12 - 14 гача разрядлар - бюджетдан маблағ олувчининг тегишли бўлим коди;

15 - 17 гача разрядлар - бюджетдан маблағ олувчининг тегишли боб коди;

18 - 19 гача разрядлар - бюджетдан маблағ олувчининг тегишли параграф коди.

20 - 22 гача разрядлар - бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий рақам коди.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг 3 разряддан ташкил топган шахсий ҳисобварағининг шахсий рақами автоматик тарзда Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича дастурий мажмуаси орқали берилади ва алоҳида ҳар бир бюджет бўйича тегишли ғазначилик бўлинмаси томонидан 001 дан 999 гача рақамлардан фойдаланган ҳолда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд қилинади.

Бунда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журнали ғазначилик бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида қоғоз ва электрон тарзда юритилади.

**§ 2. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш**

7. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларининг очилиши ғазначилик бўлинмалари томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

а) мазкур қоидаларнинг 2-сонли иловаси шаклига асосан, бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмаси раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган шахсий ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризаси.

\*-1-10 иловалар чоп этилмади

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун мазкур қоидаларнинг 2-сонли иловаси шакли бўйича бир нусхада ариза, унга илова қилиб мазкур қоидаларнинг 3-сонли иловаси шаклига асосан хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади;

б) харажатлар сметаси нусхаси, жумладан вақтинчалик ва аниқланган ҳамда унга молия органларининг мансабдор шахслари тасдиқлаган ва молия органларининг мухри қўйилган зарур ҳужжатларнинг иловалари билан, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари.

Бунда, ўрнатилган тартибда ўзининг тасарруфида бўлган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишни амалга оширадиган бюджетдан маблағ олувчилар учун уларнинг шахсий харажатларини (шахсий харажатлар сметаси асосида) ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун (умумий харажатлар сметалари асосида) алоҳида ҳар бир бюджет таснифининг параграфи бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади;

в) капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси, қурилишларнинг титул рўйхати нусхаси (капитал қурилиш буюртмачилари учун);

г) мазкур Қоидаларнинг 4-сонли иловаси шаклига асосан бир нусхада юқори ташкилот томонидан ёки нотариал тасдиқланган молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсларининг имзо намуналари ва шахсий ҳисобварақлар билан операцияларни амалга оширишдаги ташкилотнинг муҳр изи туширилган карточкаси.

Бунда, фазначилик бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг олдин очилган ҳисобварақлари мавжуд бўлганда, ушбу бюджетдан маблағ олувчиларга Захира жамғармасидан маблағларни харажат қилиш учун ҳисобварақлар очиш учун юқорида кўрсатилган имзо намуналари карточкасини тақдим этмасдан ҳужжатлар топширишига рухсат берилади.

8. Фазначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлари қуйидаги ҳужжатлар асосида очилади:

а) мазкур қоидаларнинг 2-сонли иловаси шаклига асосан фазначилик бўлинмасининг раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган бюджетдан маблағ олувчининг аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун мазкур қоидаларнинг 2-сонли иловаси шакли бўйича бир нусхада ариза, унга илова қилиб мазкур қоидаларнинг 3-сонли иловаси шаклига асосан хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади.

б) бюджетдан ташқари маблағларнинг тушумлари ва харажатлари лимити кўрсатилган (тушумлари ва маблағларнинг харажат қилиниш йўналишлари лимитланмаган бюджетдан ташқари маблағлари бундан мустасно) тегишли смета харажатларининг нусхаси.

Бунда, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг ўрнатилган тартибда ҳисобини юритувчи ва хизмат кўрсатувчи бюджетдан маблағ олувчилар учун, хизмат

кўрсатилаётган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари харажатлари ҳисобини юритиш учун (бюджет таснифи харажатларининг ҳар бир параграфи бўйича тузилган умумий харажатлар сметаси асосида) ҳисобварақлар очилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлар очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади.

9. Фазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 7-8-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб икки иш куни давомида уларнинг мазкур қоидалар талабларига мувофиқлигини текширади ва улар тўғри бўлган ҳолатда шахсий ҳисобварақлар очади. Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ келмаса, мазкур ҳужжатлар фазначилик бўлинмаси томонидан ҳисобварақлар очмасдан бюджетдан маблағ олувчига қайта ишлаш ёки камчиликларни тўғрилаш учун қайтарилади.

10. Ҳисобварақлар очилишига асос бўлган бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди ва улар фазначилик бўлинмаларида ўрнатилган тартибда сақланади.

11. Фазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровига кўра шахсий ҳисобварақлар очилган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан улар учун очилган шахсий ҳисобварақлар тўғрисида маълумот беради. Ўз навбатида бюджетдан маблағ олувчилар икки кун муддат ичида фазначилик бўлинмаларида улар учун очилган шахсий ҳисобварақлар реквизитларини тегишли солиқ органлари, ижтимоий таъминот органлари ва товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчиларга етказилади.

12. Бюджетдан маблағ олувчининг қайта ташкил этилиши ва унинг бўйсунушининг ўзгариши ёки ташкилий-ҳуқуқий мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган тарзда шахсий номи ўзгарганда, ваколатли давлат органидан янги шахсий ном олгандан сўнг, бир иш куни давомида бу ҳақда тегишли фазначилик бўлинмасига ёзма равишда хабар қилади.

Фазначилик бўлинмалари ёзма билдиришнома асосида бюджетдан маблағ олувчининг номи ўзгариши билан шахсий ҳисобвараққа шахсий ҳисобварақнинг уникал рақамини ўзгартирмаган ҳолда тегишли ўзгаришлар киритади.

13. Бюджетдан маблағ олувчи қайта ташкил этилганда (бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиш, қайта ташкил этиш), янги вужудга келган бюджетдан маблағ олувчилар учун ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, қўшилиш шаклида қайта ташкил этилганда бюджетдан маблағ олувчи юридик шахсларнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг, фазначилик бўлинмасига шахсий ҳисобварақларни ёпиш учун бюджетдан маблағ олувчининг қайта ташкил этилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ариза тақдим этади.

14. Бюджетдан маблағ олувчи тугатилганда, тугатилаётган ташкилотнинг раҳбари ушбу жараён бошлангандан бошлаб икки кун ичида фазначилик бўлинмасига юқори турувчи ташкилот ёки ўрнатилган тартибда нотариал тасдиқланган тугатиш тўғрисидаги ва тугатиш комиссиясининг тайинланиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаларини тугатиш комиссиясининг фаолият юритиш муддатларини кўрсатган ҳолда тақдим этади.

15. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини уларнинг қайта ташкил этилиши, бўйсунувдаги ўзгаришлари, тугатиш комиссиясининг



иш фаолиятининг тугатилиши, бюджетдан маблағ олувчининг бошқа фазначилик бўлими томонидан хизмат кўрсатилишига ўтиши муносабати билан ёки қонун ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ёпиш мазкур қоидаларнинг 5-сонли иловасидаги шахсий ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги аризага мувофиқ амалга оширилади.

Шахсий ҳисобварақнинг ёпилиши бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд этилади.

16. Фазначилик бўлинмаси томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга янги шахсий ҳисобварақларни очиш қайта ташкил этиш жараёни тугатилгандан сўнг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчининг турган бюджет даражасининг ўзгариши ва бир фазначилик бўлинмасидан бошқа фазначилик бўлинмасига хизмат кўрсатилишига ўтганда, мазкур Қоидаларнинг 7-8-бандларига асосан амалга оширилади.

### **§ 3. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларда операцияларнинг акс эттирилиши**

17. Фазначилик бўлинмасининг ваколатли ходимлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларининг тегишли сатрларида қуйидаги суммаларни акс эттирадilar:

а) бюджет маблағлари бўйича:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари, шунингдек вақтинчалик харажатлар сметалари ҳамда капитал қурилиш бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмалари, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхаларида кўрсатилган;

бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари, шунингдек капитал қурилиш харажатларининг ойлик ёйилмаларига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган бюджет маблағлари манбалари;

бюджетдан маблағ олувчиларга берилган ХТР;

фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан фазначилик бўлинмаларига тақдим этилган молиявий мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг фазначилик

бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган), шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича:

тегишли ва вақтинчалик сметаларда кўрсатилган харажатлар (бюджетдан ташқари тушумлар ва уларнинг йўналиши чекланмайдиган харажатлар турлари бундан мустасно);

юқорида кўрсатилган харажатлар сметаларига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган аниқлаштирилган режалар;

мазкур қоидаларда белгиланган тарзда келиб тушган Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;

фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

фазначилик бўлинмаларига бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган молиявий мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг фазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган), шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлари.

18. Фазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровларига кўра уларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларидан операциялар амалга оширилган кундан кейинги кундан кечикмаган ҳолда, уларга ушбу шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар мазкур қоидаларнинг 6 - 10-сонли иловалари шакллари асосида тақдим этади.

### **III. Яқуний қоидалар**

19. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шахсий ҳисобварақлар очиш, қайта рўйхатга олиш ва ёпиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ўз вақтидалиги, ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жавобгардирлар.

20. Мазкур қоидаларнинг талабларига мувофиқ шахсий ҳисобварақларнинг ўз вақтида очилиши, қайта рўйхатга олиниши, ёпилиши, маълумотларни ўз вақтида акс эттирилиши ва бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар тақдим этилиши юзасидан фазначилик бўлинмаларининг тегишли ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ**

2007 йил 17 ноябр

№ 31/3

Тошкент ш.

### **Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2007 йил 13 декабрда 630-10-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди  
(2007 йил 23 декабрдан кучга киради)**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 11 феврал, рўйхат рақами 630) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Марказий банк Раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
Қ А Р О Р И

2007 йил 17 ноябр

№ 31/2

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
2007 йил 13 декабрда 949-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди  
(2007 йил 23 декабрдан кучга киради)

**Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» @онунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (2000 йил 25 июл, рўйхат рақами 949) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

Марказий банк Раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага 1-ИЛОВА*

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(мансаби)

(мансабдор шахснинг Ф.И.Ш)

(мансабдор шахснинг имзоси)

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

**Қ А Р О Р**

(Ижро йиғимини ундириш тўғрисида)

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й. \_\_\_\_\_-сон \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) суд ижроچиси

(суд ижрочилари бўлимининг номи)

\_\_\_\_\_ томонидан 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон (суд ижрочисининг Ф.И.Ш.)

ижро ҳужжати бўйича 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-сонли ижро иш юритуви кўзғатилган.

Ижро иши юритувини кўзғатиш тўғрисидаги қарорда қарздорга ижро ҳужжатида кўрсатилган талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ га қадар муддат берилган.

Бироқ, тегишли огоҳлантиришга қарамасдан қарздор 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига ижро ҳужжатида кўрсатилган талабларини бажармаган.

Ихтиёрий равишда ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарорига асосан, \_\_\_\_\_ характерга эга.

(мулкӣ ёки номулкӣ)

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛДИМ:**

1. Қарздор \_\_\_\_\_

(қарздор-юридик шахснинг номи ва манзили, қарздор - жисмоний шахснинг \_\_\_\_\_ дан

Ф.И.Ш., туғилган санаси ва жойи, иш жойи)

(мулкӣ ундирув бўйича ундирилаётган сумманинг (мол-мулк хизматининг) фоизи кўринишида \_\_\_\_\_ миқдорда

номулкӣ талабда эса аниққ миқдордаги ижро йиғимининг суммаси кўрсатилади)

ижро йиғими ундирилсин ва \_\_\_\_\_-сонли банк ҳисоб рақамига ўтказилсин. Тегишли тўлов ҳужжатининг нусхаси суд ижрочисига тақдим этилсин.

3. Мазкур қарор \_\_\_\_\_ ижро иш юритуви

(ижро иш юритуви рақами ва санаси)

доирасида ижрога қабул қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг нусхаси қарздор \_\_\_\_\_ юборилсин.

5. Мазкур қарор устидан 10 кунлик муддат ичида судга шикоят берилиши мумкин.

Суд ижроچиси:

(Ф.И.Ш.)



# UNIC ЎЗБЕКИНВЕСТ

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТНИ СУГУРТАЛАШ МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистоннинг барча аҳолиси ва меҳмонларини

## Янви йили

билан самимий табриклаймиз.

Барчага мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

2008 йил ҳаммамиз учун эзгулик, тинчлик ва муваффақиятлар йили бўлсин.

[www.uzbekinvest.uz](http://www.uzbekinvest.uz)

Тошкент ш., Х. Сулаймонова кўч., 49.  
 тел.: +(998 71) 133-05-56, 133-08-54,  
 факс: +(998 71) 133-07-04, 120-65-38,  
 e-mail: site-admin@uzbekinvest.uz

## СУГУРТАЧИЛАР ВА БАНКЛАР МУШТАРАКЛИГИ

**Ҳозирги вақтда молия бозорининг асосий ривожланиш та-  
мойили бизнеснинг умумлашувидан иборат бўлиб, бу холдинг-  
лар ташкил этиш орқали ҳам, тўғридан-тўғри инвестициялар  
киритиш йўли билан ҳам амалга оширилмоқда.**

Холдингларга бирлашиш лекин бо-  
зорда бошқа ўйинчилар билан кенг ше-  
рикчилик қилиш имконига эга бўлиш  
ҳам оқилона, ҳам мутлақо мақбул  
йўлдир. Бунда банк бари-бир асосий  
бўғин бўлади.

Банк хизматлари фуқаролар ва биз-  
нес эҳтиёжларини қондириш жиҳатидан  
бирламчидир. Депозитлар – энг оддий  
ва ҳаммадан кўп тарқалган молиявий  
маҳсулот. Суғурта соҳасида эса аҳвол  
мураккаб. Бу ўзига хос хизмат бўлиб  
унинг маъносини ҳамма ҳам узил-кесил  
тушуниб етмайди. Бирок, ҳозир суғур-  
та бозори ҳам жуда тез ўсмоқда.

Иқтисодий ўсиш, фуқаролар даро-  
мадларининг кўпайиши ҳамда аҳоли  
молиявий маданиятининг ривожланиши  
– булар суғурта бозорининг, хусусан  
банк суғуртасининг ҳам ўсиши учун  
асосдир. Унинг бундан кейинги ўсиши  
кўп жиҳатдан муносабатлар мадания-  
тига ва бу муассасаларнинг ўз ҳаракат-  
лариغا боғлиқ бўлади.

Шуни айтиш керакки, айнан молия-  
вий хизматлар – суғурталаш, банк маҳ-  
сулотлари, активларни бошқариш ту-  
ташган ерда инновациялар шаклланади.  
Улар бутун молия тизимини сифат жи-  
ҳатидан ўсиши учун шарт-шароитларни  
яратади. Улар воситасида фуқаролар  
ўрганадилар ва молиявий жиҳатдан би-  
лимдон бўладилар. Ҳозир бу нарса жуда  
муҳим: банклар ва суғуртачилар бирга-  
ликда эришган ютуқларга алоҳида эри-  
ша олмайдилар. Синергия самараси бу  
ерда ҳақиқатан ҳам кучли бўлади.

Банклар ва улар мижозларини банк  
хизматлари билан боғлиқ хатарларидан  
суғурталаш бозорининг имкониятлари  
жуда катта. Ҳамкорлик банкка қарз олув-  
чининг гаров буюмларини, ҳаёти ва ке-  
лажагини, суғуртачига эса бизнес қилиш  
имконини беради. Сотиш тармоқларидан  
ва мижозлар базасидан биргаликда  
фойдаланиш имкониятлари вужудга ке-  
лади ва биргалашиб маркетинг олиб  
бориш ва кобрендинг учун, қарама-  
қарши томондан хизмат кўрсатиш, бир  
бирларига ихтисослашган хизматларни  
кўрсатиш учун шароит туғилади. Бундан  
ташқари банк ва суғурта хизматлари  
биргаликда яратадиган комплекс моли-  
явий маҳсулотларга қўшимча талабни  
шакллантириш имкониятлари пайдо  
бўлади.

Суғурта компанияларини банк ҳузури-  
да аккредитация қилиш рақобатни кам-  
ситиш эмас, балки банк томонидан су-  
ғурта бўйича ишончли шерикларни тан-  
лаб олишнинг зарур воситасидир. У су-  
ғурта хизмати кўрсатиш технологиялари-  
ни ва сифатини ривожлантиришни рағ-  
батлантиради. Кўпинча банк хизматлари-  
дан фойдаланувчилар суғуртани фақат  
банк томонидан тиқиштирилган қўшим-  
ча харажатлар деб қабул қиладилар ва  
бундан ўзларига манфаат кўрмайдилар.  
Равшанки бундай шароитларда қарз  
олувчилар суғурталаш чикимларини ка-  
майтиришга ҳаракат қилиб, энг арзон та-  
рифларни таклиф қиладиган компания-  
ларнинг хизматларидан фойдаланади-  
лар.

Ҳарбда бундай ҳамкорликни бошқа-  
риш амалиёти ғоят хилма-хил бўлиб,  
анъаналарга, инглиз-саксон ёки конти-  
нентал ҳуқуқий тизимга мансубликка,  
молия бозорларининг ривожланишига  
боғлиқ.

Бирок, банклар ва суғуртачиларга  
шерикни ихтиёрий равишда, аниқ-тиниқ  
ва тушунарли аккредитация тартиб-та-  
омилларини қўллаш йўли билан танлаб  
олиш имконини берадиган ёндашув ғоят  
самаралидир.

Иккинчи вариант – молиявий супер-  
маркет йўли бўлиб, бунда кредит ва су-  
ғурталаш ягона хизмат бўлади. Бунда  
рақобатсиз амалиёт масаласи туғил-  
майди ҳам – таклифлар пакети яшаш  
ҳуқуқига эга бўлади.

Банклар билан суғурта компанияла-  
ри ўртасида энг кўп ҳамкорлик автокре-  
дитлаш ва ипотекадан ташқари қайси  
тармоқларда юз бериши мумкин?

Банк хатарларини суғурталаш йўна-  
лиши доирасида банк хатарларини ком-  
плекс суғурталаш «ўсиш нуқтаси» бўли-  
ши мумкин.

Бундан ташқари, айрим хатарларни  
– топ-менежерлар жавобгарлиги ва бо-  
шқаларни суғурталаш каби турлар ҳам  
қизиқарли. Равшанки, банк ходимлари-  
ни ва мижозларини шахсан суғурталаш-  
ни ҳам унутиб бўлмайди. Банк ходим-  
ларини шахсан суғурталаш ижтимоий  
пакетнинг энг яхши унсуридир, мижоз-  
ларни суғурталаш эса маркетинг воси-  
тасида рағбатлантириш учун қулай во-  
сита.

Ҳозир суғуртачининг рақобатбар-  
дошлиги қарорларни тез қабул қилиш-  
га, фирма ичидаги ахборот оқимлари-  
га, ўзининг молиявий ҳолатини тўла-  
тўқис таҳлил қилиш, мижозлар базаси-  
ни юритиш қобилиятига жуда ҳам боғ-  
лиқ. Сотиш ва зарарларни тартибга ке-  
лтириш нуқтаи назаридан ҳам ахборот  
тизимини замонавий ва қудратли бўлиши  
керак.

Севара СОАТОВА тайёрлади.

## «KAFIL SUG'URTA» УСТАВ САРМОЯСИНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

**«Kafil Sug'urta» суғурта  
компанияси 2008 йил 1 ян-  
вардан бошлаб суғуртачи-  
ларнинг энг кам устав сар-  
моясига қўйиладиган янги  
талаблар кучга кириши му-  
носабати билан ўзининг ус-  
тав сармоясини 501 минг  
АҚШ долларига етказди.**

Компаниядан хабар қилиш-  
ларича, устав сармоясининг  
ушбу кўпайтирилиши охири-  
гиси эмас – яқин келажақда  
устав сармоясини 1 млн.  
АҚШ долларига тенг сумма-  
га етказиш режалаштирил-  
моқда.

«Kafil Sug'urta» суғурта ком-  
панияси масъулияти чекланган  
жамият шаклида мамлақати-  
миз суғурта хизматлари бо-  
зорида 2006 йил декабр ойи-  
нинг 11 ярмидан бошлаб иш-  
лаб келмоқда ва умумий суғур-  
та тармоғининг барча тоифа-  
лари (ихтиёрий суғурта) бўйи-  
ча хизматлар кўрсатиб келмоқ-  
да. 2007 йил 9 ойи якунлари  
бўйича компания 383,5 млн.  
сўм миқдорида суғурта муко-  
фоти тўплашга муваффақ  
бўлди ҳамда 9,5 млн. сўм су-  
ғурта қопламасини тўлади.

Зарина УСМОНОВА.



## АМАЛИЙ СЕМИНАР

Юртимизда Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш, банк – молия муассасалари маҳсулотларидан кенг фойдаланишни тарғиб этиш ва тадбиркорларнинг банклар билан ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш, банк маҳсулотларининг оммавийлашувини жадаллаштириш мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига, бинобарин, халқимиз ҳаётининг янада фаровонлашувига сабаб бўлади. Айтиш керакки, ассоциация томонидан ўтказиб келинаётган семинар-тренинглар, учрашув ва конференциялар бу борада яхши самара бермоқда. Чунончи, 2008 йил январ ойининг иккинчи ярмида Ўзбекистон банклари ассоциациясида «Тадбиркорлар ва аҳолини банк хизматлари билан таништириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш» мавзусида амалий семинар ўтказиш мўлжалланмоқда. Ушбу семинар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли Қарори билан тасдиқланган дастурнинг 29-бандида назарда тутилган. Семинарда тижорат банкларининг мутахассислари, тадбиркорлар ва хусусий шахслар тақлиф этилади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



## КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ

ва «АЛЬЯНС ГАРАНТ»  
барқарорлаштириш жамғармаси

барча кредит уюшмалари ва уларнинг аъзоларини

янги йил билан табриклайди.

Ҳаммага мустаҳкам саломатлик, оилавий

бахт-саодат, молиявий равақ ва фаровонлик тилайди.

Ўз навбатида Кредит уюшмалари ассоциацияси кириб келган 2008 йилда асосий фаолияти молиявий хизматлар кўрсатиш ҳамда ўз аъзоларининг фаровонлигини оширишга қаратилган республика кредит уюшмаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун бор куч-гайратини сарфлайди.

«Альянс Гарант»: омонат Сиздан – кафолат биздан.

## КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ – ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧИДА

**2002 йилда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши молия бозорининг янги сегменти - республикада биринчи нобанк кредит институтлари бўлиши кредит уюшмаларини ташкил этиш йўлида дастлабки қадам бўлди.**

Қарор топиш даврида кредит уюшмалари кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, шунингдек аҳолига кўпдан-кўп хизматларни кўрсатишда муҳим рол ўйнашини исбот қилди.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳолати кўп жиҳатдан барча аҳоли катламлари учун қулай бўлган ривожланган молиявий хизматлар бозори мавжудлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, бундай қулай хизматлар кўрсатаётган институтлар ишончлилиги ва хавфсизлик талабларига жавоб бериши ҳам жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан, шунингдек кредит уюшмаларини бирлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва кредит уюшмаларининг ривожланишини рағбатлантирувчи ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга ёрдам бериш мақсадида 2005 йил июн ойида Кредит уюшмалари Ассоциацияси ташкил этилди.

Ассоциация ташкил этилгандан бошлаб аҳолининг, шунингдек давлат органларини ва бошқа ташкилотларнинг кредит уюшмалари фаолиятдан хабардорлигини ошириш учун кредит уюшмаларини ахборот билан қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор бермоқда. Бу ишлар кредит уюшмаларининг манфаатларини илгари суришга, давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувчи органларда улар номидан вакиллик қилиш ва унинг мамлакатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ассоциациянинг асосий мақсади Ўзбекистонда институт сифатида ривожланган, ишончли, барқарор ва тўхтовсиз ривожланиб борадиган кредит уюшмалари тизимини шакллантиришдан иборат.

Ҳозирги кунда республикада 49 та кредит уюшмаси ишлаб турибди ва улар фаолиятининг миқдор ҳамда сифат кўрсаткичлари жуда юқори суръатлар билан ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Масалан, кредит уюшмаларининг активлари ҳажми 41 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Кредит уюшмаларининг асосий кўрсаткичлари бу қадар суръатлар билан ўсишига сабаб, энг аввало, аҳолининг кредит уюшмалари кредитларига ишончи ошиб бораётганидан иборатдир. Ҳозирги кунда кредит уюшмаларининг молиявий хизматларидан уларнинг аъзолари бўлмиш 65 мингдан ортиқ шахс фойдаланмоқда. Шу билан бирга тизим ресурс базасининг 98 фоизини жисмоний шахсларнинг депозит ва пай бадаллари ташкил этади.

Кўрсаткичлар юқори суръатлар билан ўсиб бораётганлигига ва молиявий хизматларга талаб катта бўлишига кредит уюшмаларининг юқори даражада ликвидлиги, улардан кенг аҳоли қатламлари фойдаланиши учун қулайлиги, мижозларга тез хизмат кўрсатилиши ва кредитлаш таомиллари соддалаштирилганлиги, шунингдек депозитлар бўйича ҳам, кредит маҳсулотлари бўйича ҳам фоиз сийсати мослашувчан эканлиги сабаб бўлмоқда.

Олий Мажлис томонидан «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги республикада нобанк молия секторининг ҳамда бутун микромолиялаш тизимининг ривожланиши учун кўшимча туртки бўлди.

Бундан ташқари аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун қулай шароитлар яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан бандлигини оширишга ёрдам берадиган кичик ва микробизнес фаолиятларни ривожлантириш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатувчи молиявий ташкилотларнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида микромолияшни ривожлантиришнинг 2010 йилгача мўлжалланган Дастури қабул қилинди.

Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки, Молия вазирлиги, бошқа давлат органлари, шунингдек Кредит уюшмалари Ассоциацияси томонидан туркум ишлар амалга оширилаётир.

Молия сектори, шу жумладан нобанк молия секторини ривожлантириш суръатлари, шунингдек кредит уюшмалари тизимининг ишончилиги ҳамда хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш зарурлиги Ассоциация зиммасига янада мураккаб ва комплекс вазифаларни бажаришни юклармоқда.

Чунончи, 2007 йил мобайнида Ассоциация томонидан:

- кредит уюшмалари ўртасида кредит уюшмаларининг фаолиятини ва уларнинг хатарларини ўзаро назорат қилиш механизмининг назарда тутадиган мажбуриятларни ўзаро кафолатлаш тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди;

- «Альянс Гарант» Барқарорлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда жамғарма томонидан «Ласточка», «Осиё Траст», «Аспр», «Илхом», «Ишонч», «Авиценна», «Мадор», «Нурафшон» ва «Фаровон» кредит уюшмалари аъзолари омонатлари кафолатланмоқда;

- ўзаро кафолатлаш тизими доирасида операция ишларида ва молия соҳасида муайян муаммоларга эга бўлган кредит уюшмаларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш механизмлари ва воситалари жорий этилди;

- кредит уюшмаларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида Барқарорлаштириш жамғармаси доирасида зарур маблағлар тўпланди ва Ассоциация аъзолари бўлган кредит уюшмаларининг ликвидлиги мақени қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилди;

- ишлаб чиқилган медиа-режага мувофиқ оммавий ахборот воситаларида жамоатчиликни кредит уюшмаларининг фаолияти ҳамда кредит уюшмаларида аъзоларнинг омонатларини кафолатлаш тизими ҳақида хабардор қилишга қаратилган кенг қўламли реклама иши амалга оширилди.

Кредит уюшмаларини бирлаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган кредит тизимининг ишончилиги, барқарорлиги ва тўхтовсиз ривожланишини таъминлаш каби ларни ўз ичига оладиган асосий устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ассоциация томонидан қуйидаги устувор йўналишлар белгиланди:

- республика кредит уюшмаларини бирлаштириш ва Ассоциация аъзолари-

нинг ҳамда у билан ҳамкорлик қилаётган кредит уюшмаларининг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини давом эттириш;

- Ассоциация томонидан кредит уюшмаларига кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан юридик, ахборот, маркетинг, консалтинг ва бошқа хизматларни янада кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш чораларини кўриш;

- кредит уюшмалари ходимлари ва сайлаб қўйиладиган органлари раҳбарлари малакасини ошириш ҳамда бошқарув механизмларини такомиллаштириш мақсадида улар учун ўқув дастурларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- янги кредит уюшмалари тузиш учун ташкил этилган ташаббускор гуруҳларга ҳар томонлама ёрдам бериш;

- ҳисобга олиш ишлари аниқ бажарилишини ҳамда кредит уюшмалари амалга ошираётган операцияларнинг ошқоралигини таъминлаш мақсадида кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимларини автоматлаштириш чораларини кўриш;

- Ассоциацияга аъзо бўлган кредит уюшмалари ўртасидаги бир-бирларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш. Бу тизим Ассоциация томонидан демократик бошқарув, ошқоралик принциплари асосида амалга оширилаётган кредит уюшмаларининг фаолиятини ва уларнинг хатарларини ўзаро назорат қилиш механизмларини назарда тутди;

- ўзаро кафолатлаш тизими доирасида, шунингдек кредит уюшмалари тизимининг ишончилигини таъминлаш мақсадида операция ишларида ва молия соҳасида муайян муаммоларга эга бўлган кредит уюшмалари учун молиявий ҳолатни барқарорлаштириш механизмлари ва воситаларини жорий этиш;

- кредит уюшмалари тизимининг ишончилиги ва бехатарлигини кучайтириш бориб, аҳолининг тизимга бўлган ишончини ва ундан манфаатдорлигини ошириш;

- кўпроқ миқдордаги кредит уюшмаларини омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этишга жалб қилиш, шунингдек тизимга киришдан манфаатдор бўлган кредит уюшмаларига институциявий ривожланишда ёрдам бериш;

- кредит уюшмаларининг ликвидлик мавқеини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳамда кредит уюшмалари учун қулай қисқа муддатли кредит ресурслари бозорини шакллантириш.



## ЭШИТТИРИШЛАР ҚАМРОВИ КЕНГАЯДИ

**Хитойнинг Alcatel Shanghai Bell компанияси Ўзбекистоннинг бориш қийин бўлган минтақаларига йўлдош орқали телекўрсатувлар ва радиозашиштиришларни ташкил этиш бўйича баҳоси қарийб 7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани амалга оширди, деб хабар қилишди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА)дан.**

Лойиҳани молиялаш Хитой ЭКСИМ-банкнинг 5 млн. АҚШ долларига миқдордаги кредити, шунингдек ЎзААнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Телерадио узатиш ускуналари республиканинг бешта минтақасидаги 300 дан ортиқ узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида ўрнатилди. Бу ишлар аҳолини радио ва телевидение дастурлари билан қамраб олиш даражасини ҳозирги вақтдаги 85 фоиз ўрнига 100 фоизга етказиш имконини берди.

Илгари хабар қилинганидек, Япониянинг Mitsui & Co. Ltd компанияси 2005 йил бошларида Ўзбекистон телекоммуникация

тармоғини кенгайтиришнинг баҳоси 110 млн. АҚШ долларига тенг бўлган иккинчи босқичини амалга ошириб бўлган эди.

Япония компанияси Ўзбекистоннинг ғарбий ва марказий вилоятларида рақамли телефон тармоғининг умумий сифими 37 мингта номерни ташкил этадиган ускуналарни, 185 дона эшиттириш-узатиш тизимларини, 63 та телевизия ва 36 та радио узаткичларни етказиб берди, шеф-монтаж ишларини амалга оширди ва фойдаланишга топширди, шунингдек узунлиги 2697 км бўлган магистрал оптик-толали алоқа линиясини курди. Лойиҳа бўйича Япониянинг NEC Corp. корпорацияси субпудратчи бўлди.

## ОПТИК ЛИНИЯЛАР ИШГА ТУШДИ

«Ўзбектелеком» АК телекоммуникациялар тизимини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида Қарши-Термиз йўналишида оптик-толали магистрал алоқа линияси ишга туширилди, деб хабар қилишди «Ўзбектелеком» АК матбуот хизматидан.

Хусусан, Қарши-Термиз рақамли радиореле линиясига параллел равишда узунлиги 360 кмдан ортиқ бўлган алоқа линиясини қуриш ишлари тугалланди. Бу линия магистрал алоқа тизимларини кенгайтиришга қаратилган. Шунингдек, СТМ-16 даражали рақамли узатиш тизими ҳам фойдаланишга топширилди. Маълумотларни узатиш тезлиги 2,5 Гбит/сек.

Бу ишлар жанубий йўналишда халқаро телекоммуникация каналларини захирага сақлаб қўйиш, республика ҳудудидан туриб телефон алоқасини ва ахборот узатишни таъминлаш, Интернет траффиги ҳамда транзит имкониятларини кенгайтиришга шароит яратди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг телекоммуникациялар тизими учун мўлжалланган 670 км узунликдаги оптик-толали кабелни ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда. Кабел ётқизиб бўлинган участкалар синов учун фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, Деҳқонобод, Қамаш, Ғузор, Бойсун ва бошқа туман марказларида монтаж қилинган рақамли телефон станциялари оптик-толали линияларга уланди ва ҳозир синовдан ўтказилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК телекоммуникациялар тизимини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳасининг баҳоси 18,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, уни Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хитой Тараққиёт банки ва Huawei Technologies Co. Ltd. компанияси билан биргаликда амалга оширмоқда.

## COSCOM БАРЧА УЯЛИ ТАРМОҚНИ ЯНГИЛАЙДИ

Coscom уяли алоқа оператори (GSM-900/1800 стандартида ишлайди) 2008 йил охиригача мавжуд тармоқни модернизация қилади. Бу ишлар баҳоси 150 млн. АҚШ долларидан ортиқ, деб хабар қилди компаниянинг бош директори Бора Бойсал.

Биз радиокөммутация ускуналарини етказиб берувчини излаш бўйича тендер ўтказдик. Nokia Siemens Networks танлов ғолиби бўлди. Баҳоси 152 млн. АҚШ долларига тенг бўлган битим мавжуд тармоқни алмаштиришни ва қамров доирасини кенгайтиришни ўз ичига олади, - деди Б. Бойсал.

Контракт доирасида оператор 2008 йил биринчи ярмида EDGE негизда хизматлар кўрсата бошлашни, базавий станциялар сонини уч барабар кўпайтириб, 1200 донага етказишни, шунингдек тармоқнинг минтақаларга кириб бориш даражасини ҳозирги вақтдаги 17 фоиз ўрнига 35 фоизга етказишни режалаштирмоқда.

Илгари хабар қилинганидек, TeliAsonera (Финляндия) 2007-2008 йилларда Coscomни ривожлантиришга 160 млн. АҚШ долларигача миқдорда инвестиция киритади.

Coscom ҚК республиканинг бутун ҳудудида GSM стандартидаги уяли алоқа хизматлари кўрсатиш учун лицензияга эга бўлиб, Ўзбекистондаги учта етакчи уяли алоқа компаниясининг биридир. Қўшма корхонанинг абонентлар базаси ҳозирги вақтда тахминан 410 мингта фойдаланувчидан иборат.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бешта уяли алоқа оператори (учтаси GSM стандартида) ишлаб турибди. ЎзАА маълумотларига қараганда, 2007 йил 1 октябр ҳолатига Ўзбекистондаги уяли алоқа абонентлари сони йил бошидагига қараганда 1,6 барабар ўсиб, 4,57 млн. та фойдаланувчини ташкил этди.

## «ВИМПЕЛКОМ» ШЎЪБАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Ўзбекистоннинг уяли алоқа оператори «Unitel» МЧЖ («Вимпелком» ОАЖ-нинг 100 фоизли шўъбаси) IMT-2000/UMTS (3G) стандартидаги кўчма радиотелефон алоқаси тармоғини қуриш, фойдаланишга топшириш ва хизматлар кўрсатиш учун лицензия олди.**

- Компания 3G лицензиясини олганлиги туфайли илгор технологияларни фаол ривожлантира олади. Ўзбекистонда учинчи авлод алоқа тармоғини ишга тушириш миқдорларимизнинг имкониятларини анча кенгайтириб, улар уяли алоқанинг энг замонавий хизматларидан фойдаланишига имкон беради, деди «Unitel» МЧЖ бош директори Евгений Рубан.

2007 йил апрел ойида Ўзбекистонда 3G тармоғини қуриш ва ишлатишга «Ўздунробита» ХК МЧЖ (МТСнинг 100 фоизли шўъбаси) ва «Ўзбектелеком Мобайл» («Ўзбектелеком» АК филиали) лицензия олган эди.

2006 йил феврал ойида «Вимпелком» ОАЖ Ўзбекистондаги иккинчи энг йирик уяли алоқа оператори бўлмиш «Unitel» МЧЖни Грециянинг Germanos S.A. бошчилигидаги халқаро консорциумдан сотиб олиш бўйича битимни охирига етказди.

Битимнинг баҳоси - 200 млн. АҚШ доллари плюс қарийб 7,7 млн. АҚШ доллари миқдоридagi қарз мажбуриятларини ташкил этади. «Вимпелком» Ўзбекистон GSM операторининг абонентлари сони бўйича тўртинчи ўринда турадиган «Бакри Ўзбекистон Телеком» («Бузтел») ХК МЧЖни сотиб олиб, Freevale Enterprises Inc. компанияси (Британиянинг Виржиния ороллари)нинг 100 фоиз акцияларига эга бўлди. Ушбу битим суммаси 60 млн. АҚШ доллари плюс тахминан 2,4 млн. АҚШ доллари миқдоридagi қарзни ташкил этди.

Ўтган йил июлида «Вимпелком» иккита компанияни «Unitel» МЧЖ базасида бирлаштириш жараёнини тугаллади, 2006 йил сентябр ойида эса Beeline бренди остида хизматлар кўрсата бошлади ҳамда 2006-2008 йилларда тармоқни ривожлантиришга 150 млн. АҚШ долларини инвестициялаш режасини эълон қилди.

"Туркистон-пресс" НАА.

## ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ

**Турмуш мароми кундан-кунга жўшқинлашиб бормоқда. одамлар вақт кетидан қувиб, ҳар бир дақиқадан мумкин қадар самарали фойдаланиш имконини берадиган ечимларни топишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам, хилма-хил Интернет-дўконлар ва электрон савдо майдончалари борган сари оммалашиб бормоқда. Хусусан, турли-туман электрон тўлов тизимлари (ЭТТ) давр талабига биноан юзага келган воситалардандир.**

Тўлов тизимлари Интернет-савдо инфратузилмасининг асосий унсурларидан биридир. Электрон тўлов тизими - Интернет орқали товарлар ва хизматларни сотиб олиш/сотиш жараёнида молиявий тузилмалар, бизнес-ташкilotлар билан Интернетдан фойдаланувчилар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимидир. Айнан мана шу тўлов тизими буюртмаларни қайта ишлаш хизматини ёки электрон витринани барча стандарт атрибутларга эга бўлган росмана дўконга айлантириш имконини беради: харидор сотувчининг сайтдан товар ёки хизматни танлаб олиб, компьютердан узоқлашмаган ҳолда тўловни амалга ошириши мумкин.

Хавфсизлик даражасига қараб, ЭТТнинг бир нечта тури мавжуд. Амал қилиш усули бўйича тўлов тизимлари куйидаги турларга бўлиниши мумкин: очик матн билан айирбошлаш; айирбошлашни шифрлашдан фойдаланувчи тизимлар; гувоҳномалардан фойдаланиладиган тизимлар; клиринг тизимлари; рақамли нақд пуллар. Шунингдек, ЭТТ ҳисоб-китоб усуллари қараб, кредит ва дебет тизимларига бўлинади.

Очиқ матн билан айирбошлаш - Интернет тармоғида ҳақ тўлашнинг энг оддий усули бўлиб, ҳеч қандай алоҳида хавфсизлик чораларини кўрмасдан, кредит картаси ёрдамида, бутун ахборотни (карталар номери, e-mail ва эгасининг манзили) бутун тармоқ бўйлаб узатиш ёрдамида амалга оширилади.

Gartner тадқиқот компанияси Америкада on-line-тижорат 2006 йилда фойдаланувчилар электрон тўловларни амалга оширишнинг хавфсизлиги ҳақида безовта бўлганликлари туфайли 2 млрд. АҚШ доллари йўқотганлигини ҳисоблаб чиқди.

Шу сабабли, олдингисига қараганда анча ҳимояланган вариант - кредит картаси ёрдамида ҳақ тўлаш, барча ахборотни Интернет орқали шифрлаш воситасида узатиш усули ишлаб чиқилди. Транзакция вақтида ахборотни қўлга киритиш мумкин бўлмайди.

Янада ишончлироқ бўлган яна бир вариант мижоз ва сотувчи шахсиятини тасдиқлайдиган рақамли сертификатлар

ва рақамли имзодан фойдаланиладиган, ҳақ тўлашдан бош тортишни истисно этадиган, товарлар (ахборот) узатиладиган ёки хизматлар кўрсатиладиган маҳсул ҳимояланган ахборот алмашиш баённомаларини қўллашдан иборат. Бунинг устига, электрон рақамли имзо (ЭРИ) оддий имзодан фарқли ўлароқ, сохталаштириш мумкин эмас. ЭРИ - электрон маълумотларни криптографик ўзгартириш натижасида олинган рамзлар кетмакетлигидир. Уни калит ёрдамида ўқиш мумкин бўлади. Калит эгасига шахсан сақлаб қўйиш учун берилади.

Маълумотларни очик матн ёрдамида ва шифрлаш ёрдамида алмашиш усулидан фойдаланиладиган ҳақ тўлаш тизимлари кредит тизимлари жумласига қаради, чунки уларга кредит картасидан фойдаланиш асос бўлади. Кредит тўлов схемаларининг асосий фазилати мижозлар уларга ўрганиб қолганлигидан ҳамда ахборотнинг махфийлиги SET баённомасидан фойдаланиш ҳисобига анча юқори даражада ҳимояланганлигидан иборатдир. SET баённомаси MasterCard, VISA, Microsoft ва IBM компаниялари томонидан ишлаб чиқилган. Камчиликлар жумласига микротўловларга мосланмаганлигини ва фойдаланувчининг номини яшириб бўлмаглигини киритиш мумкин.

Яна бир тизим - клиринг тизимининг моҳияти шуки, ҳар гал маҳсулот харид қилганида харидор ўзининг шахсий ва банк маълумотларини дўконга

хабар қилмайди. Харидор ўз маълумотларини бир марта яхши ҳимояланган баённомалар ёрдамида ёки умуман Интернетни четлаб (масалан почта орқали) тизимга узатади. Тизимда бу маълумотларга идентификация номери берилади ва ҳимоя жорий этилади. Пул тизимга мижоз учун қулай бўлган ҳар қандай тарзда ўтказилади. У ҳар гал харид қилган вақтида дўконга ўзининг идентификация номерини хабар қилади, холос.

Ҳозирги кунда on-line-харидлар чоғида асосий тўлов воситаси кредит картаси ёрдамида ҳақ тўлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Бироқ, Интернет-тармоқда 99,9 фоизини ташкил этадиган майда харидлар учун бундай усулни қулай деб ҳам, етарли даражада ишончли деб ҳам бўлмайди. Интернетда ҳақ тўлашнинг юқорида кўрсатилган камчиликлардан холи бўлган бошқа тизимларини қўллаш зарур бўлиб қолди.

Бундай тизимлар янги тўлов воситаси: рақамли нақд пулдан (Digicash, Netcash, Cybercoin) фойдаланиб амалга оширилмоқда: Рақамли нақд пуллар жуда катта файллар ёки рақам бўлиб, улар қозғол пул ва тангалар ролинини ўйнайди. Рақамли нақд пуллар бутунлай реал нақд пул моделидир. Баъзи рақамли нақд пуллар фойдаланувчининг номи бутунлай номаълум бўлиб қолишини таъминлай олади, чунки бу пулни сарфлаган мижоз ҳақида ҳеч қандай ахборот берилмайди. Рақамли нақд пулларнинг вариантларидан бири рақамли чек

бўлиши мумкин. Бунинг устига, электрон пуллар энг паст нарх диапазонида - бир доллардан кам бўлган ҳисоб-китоблар учун кенг фойдаланилади (бундай майда тўловлар микротўловлар деб аталади). Мутахассислар фикрича, айнан микротўловлар Интернет тармоғидаги асосий сотиш айланмаларини таъминлаши мумкин.

Рақамли пуллар соҳасида энг мукамал ютуқ смарт-кард технологиясидан (MonDEX) фойдаланишга асосланган рақамли пуллар тизимидир. Ҳозирги смарт-карта ўз процессорига, хотира-сига, дастурий таъминотига ҳамда ахборотни киритиш/чиқариш тизимига эга бўлган кичкина компьютердир. Файл-пуллардан нусха қўчириш ёки эҳтиётсизлик қилиб бўлса-да, ўйинқароқ болалар томонидан дискдан ўчириб ташлаш мумкин эмас. Бундай тизимларни тақлиф этувчи компаниялар ҳар қанча исташмасин, транзакцияларни кузата олмайдилар ва улар учун воситачилик ҳақини ололмайдилар. Картани банкوماتда «тўлдириш» ёки банкوماتдан нақд пул олиш пайти бундан мустасно.

Электрон пуллардан фойдаланиладиган тизимлар ўз моҳиятига кўра дебет тизимлар жумласига қаради.

Тўлов тизимлари, бутун электрон тижорат каби, Ўзбекистонда эндигина пайдо бўлиб келаётир. Ҳозирча, Интернет орқали харид қилиш чоғида харид ҳақи қоида тариқасида, нақд пулни олиб бориб тўлаш йўли билан юз бермоқда. Бу ҳол тегишли электрон тўлов тизимлари бозори ривожланмаганлиги билан изоҳланади. Айни вақтда инглиз тилини Интернетдан фойдаланиш даражасида билган киши байналмиал электрон тўлов тизимлари билан, масалан, E-gold тизими билан ишлаши мумкин.

Ўзбекистон ахборот технологиялари даврига фаол кириб бормоқда ва дастлабки натижалар қўлга киритилди ҳам. Олдинда эса электрон савдонинг тегишли тарзда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида жуда катта ишлар турибди. Бу соҳанинг ривожланиши давлат тузилмалари учун ҳам, тадбиркорлик учун ҳам катта имкониятлар яратиб беради.



## АВТОМОБИЛСОЗЛАР ҲАМКОРЛИГИ

“Самарқанд автомобил заводи” (“СамАвто”) МЧЖ 2008 йилда ISUZU русумли катта юк автомобиллари ҳамда Хитойнинг 12 метрли Golden Dragon автобусларини ишлаб чиқара бошлашни режалаштирмакда, деб хабар қилишди “Ўзавтосаноат” АК раҳбариятидан.

“Ўзавтосаноат” дагиларнинг аниқлик киритишича, Isuzu Itocu, “Ўзавтосаноат” ва “СамАвто” МЧЖ Стратегик ҳамкорлик тўғрисида битим имзоладилар.

Ҳужжат тижорат транспорти ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни, жумладан бир қатор янги лойиҳалар юзасидан биргаликда ишлашни, хусусан, Ўзбекистонда Isuzu катта юк автомобиллари (18-45 тонна юк кўтарадиган) ва сифими катта бўлган 12 метрли автобуслар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси юзасидан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришни назарда тутди.

Бундан ташқари, имзоланган битим доирасида Isuzu Motors “СамАвто” да сифатни ошириш ҳамда замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш масалаларида техникавий ёрдам беради.

Заводда янги моделларни тест синовларидан ўтказишни 2007 йил охиригача тугаллаш ҳамда синов якунларига қараб уларни йиғиш параметрлари ҳақида узил-кесил қарор қабул қилиш режалаштирилмоқда.

2007 йил январ ойида “СамАвто” Япониянинг Isuzu Motors автомобилларини йиғишга киришди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига мувофиқ 2007 йилда заводда турли модификациядаги кузовларга эга бўлган 1,5 минг дона автомобил ишлаб чиқариб, 2010 йилгача босқичма-босқич лойиҳа қувватига чиқиш – йилига 4 минг дона автомобил ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

“Туркистон-пресс” НАА.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЎҚИТУВЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги “Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-691 -сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси билан биргаликда ташкил этилаётган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига куйидаги йўналишлар бўйича ўқитувчиларни ишга қабул қилиш учун

### ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ:

- “Банк иши”;
- “Бизнесни бошқариш”;
- “Бизнесда замонавий ахборот технологиялари”;
- “Туризм”;
- “Бизнесга доир инглиз тили” (“Business English”).

### ТАНЛОВДА ҚУЙИДАГИ ШАҲСЛАР ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН:

- юқорида келтирилган йўналишлар бўйича олий маълумотга эга, инглиз тилини биладиган, IELTS ёки TOEFL имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги Сертификатга эга, илмий унвони ёки даражаси бўлган ёки бўлмаганлар;

- илмий-педагогика соҳасида (олий таълим юртлири ёки малака ошириш муассасаларида) ёки ишлаб чиқаришда 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар;

- юқорида келтирилган йўналишлар бўйича чоп этилган илмий мақолалари, маърузалари, дарсликлари ёки ўқув-услубий қўлланмалари мавжуд шахслар;

Танловда иштирок этмоқчи бўлганлар ўз ҳужжатларини куйидаги манзилга юборишларини сўраймиз:

100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси  
(мўлжал – “Халқлар дўстлиги” метро бекати).

### АРИЗА БЕРИШ МУДДАТИ:

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

### МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:

138-69-68, E-mail: office@uba.uz, Web-site: www.uba.uz

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Иқтисодиёт вазирликлари билан ҳамкорликда жорий йилда маиший хизмат ва сервис соҳасидаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш мақсадида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» кўрик-танловини ташкил этди.



Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тараққиётини рағбатлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва аҳамиятини ошириш ва мазкур соҳа ходимларининг касб маҳорати, билим даражасини юксалтиришдан иборат бўлди.

Юртбошимизнинг 2007 йил 21 майда «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида «Микрокредитбанк» маиший хизмат ва сервис корхоналарига 7,1 млрд. сўм миқдоридан микрокредитлар ажратди ва микролизинг хизматлари кўрсатди. Ушбу кредитлар ҳисобига 5 мингдан ортиқроқ янги ишчи ўрни яратилди.



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан республикамиз қишлоқ туманларида хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этишнинг 2007 йилга мўлжалланган манзилли дастури ишлаб чиқилди ва амалда 1950 та объект ишга туширилди. Ўтган йил мобайнида тадбиркорларнинг замонавий хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларини молиялаштиришга 2,1 миллиард сўм миқдоридан маблағлар йўналтирилди.

«Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» кўрик-танловида асосан «Микрокредитбанк»дан сармоялар олиб хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўз ишларини ташкил этган мижозлар иштирок этди.

Кўрик-танловнинг туманлар ва вилоятлар босқичи шу йилнинг октябр ва ноябр ойларида бўлиб ўтди. Туман босқичида 490 лойиҳа иштирок этди. Қувонарлиси шундаки, кўрик-танлов иштирокчиларининг аксарияти ёшлардан иборат бўлди - лойиҳаларнинг 132 таси 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар томонидан тақдим этилди. Шунингдек, иштирокчиларнинг 157 нафарини хотин-қизлар ташкил қилди.

Тадбиркорларнинг 132 та лойиҳаси вилоят босқичига йўл олди. Вилоят босқичида қатнашган бу лойиҳалар асо-



сида вилоятларда 706 та янги ишчи ўринлари ташкил этилгани уларнинг амалий аҳамиятидан далолат беради.

Тадбирнинг республика босқичига асосан меҳмонхона хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, реклама хизматларини бажариш, сартарошхона, суратхона хизматлари, шунингдек стоматология, ташхис қўйиш каби тиббий хизматларни ўзида мужассам этган лойиҳалар тақдим қилинди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинациясида биринчи ўрин Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги «Манзура Ишматова» хусусий корхонаси раҳбари Манзура Ишматовага насиб этди. Шунингдек, «Энг ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа» номинациясида - Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Хунарманд касаначи» унитар корхонаси раҳбари Ҳаётилло Алиохунов, «Қишлоқдаги энг яхши замонавий маиший хизмат кўрсатиш объекти» номинациясида - Фарғона вилояти Бешарик туманидаги хусусий тадбиркор Мадаминжон Абдуллаев, «Аёл тадбиркор томонидан тақдим этилган замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳа» номинациясида - Бухоро вилояти «Алмас» хусусий фирмаси раҳбари Дилором Файзиёвалар ғолиб деб топилди. Ғолиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жасур МИРЗАЕВ.

## АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан  
қўллаб-қувватлаш «Заковат»  
ижтимоий жамғармаси

### ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Қахрамон Рофиев

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Шухрат Ҳайдаров,

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перлер

БОШ МУҲАРРИР

А.Н.Назаров

Нашр учун масъул

А.С.Садриддинов

### БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ:

«Туркистон-пресс» НАА

Реклама ва эълонлар учун  
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент,

Ғ. Маълонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tshht.uz

www: finance.uz

Нашр индекслари: 102; 377

Босилган материаллар муаллифларининг нуктаи назари тахририятнинг нуктаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА» да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлбзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0065-тартиб рақами билан руйхатга олинган.

Буюртма № Г-04

Тираж 7763 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Босишга рухсат этилди

2.01.2008 й.